*БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 118

24 ИЮЛЬ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

## БУГУНГИ СОНДА:

**Жанва кенгаши ҳақида Совет Ҳукуматининг баёноти** (1-нчи бет).

**СССР Халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1954 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти** (1-нчи ва 2-нчи бетлар).

**Ғўза парваришини шу кунининг талабига мувофиқ ўтказиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирайлик! Т. Суннатов.** — «Қизил пахтакор» колхози юксалмоқда. (3-нчи бет).

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ. **А. Лупанов.** — Ғўзани барги орқали фосфор блан озиқлантириш (3-нчи бет).

**Б. Халилов, А. Набиҳўжаев.** — Илғор районнинг қолоқ МТСида (3-нчи бет).

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БЛАН ҚУТИБ ОЛАЙЛИК. **Л. Сайдалиев.** — Чирчиқ шаҳар мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик кечиктирилмоқда (3-нчи бет).

В. М. Молотов Жанвадан жўнаб кетди (4-нчи бет).

Чжоу Энь-лай ҳузурида В. М. Молотов ва Фам Ван Донг шарафига зиёфат (4-нчи бет).

Халқ Польшасининг ўн йиллиги (4-нчи бет).

Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариатининг Вьетнам тинчликни ҳимоя қилиш комитетига ва Франция тинчлик миллий кенгашига мактублари (4-нчи бет).

## Халқ хўжалигининг янги ғалабалари сари

Ижодкор совет халқи зўр ишонч блан коммунизм сари олға бормоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириб, Совет давлатининг куч-қудратини, экономикасини мустаҳкамламоқдалар, совет халқи моддий фаровонлигини оширмоқдалар.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, колхоз ва совхоз далаларида, саноат корхоналари ва темир йўл транспортида, нефть ва кўмир ҳавзаларида, қурилиш об'ектларида 1954 йил давлат планини тўла ва ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақа тобора ривожланмоқда. Бу социалистик мусобақада актив иштирок этаётган саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, колхозчилар, совхоз ва МТС ларнинг ишчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан Коммунистик партиямиз, Совет ҳукуматига, она-Ватанга бўлган чексиз меҳр ва муҳаббатларини изҳор қилмоқдалар. Ҳар бир совет граждани социалистик экономикамизни янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугун газетамизда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1954 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахбороти босилиб чиқди. Бутун совет халқи бу тарихий ҳужжатни зўр қониқиш ва мамнуния блан ўқиб олмоқда. Социалистик экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришилган самарали якунлар Совет давлати куч-қудратининг ошганлигини, халқ хўжалигининг тобора ривожланаётганлигини, совет тузумининг капиталистик тузумдан бениҳоя афзаллигини бутун дун'ёга яна бир марта намойиш қилмоқда. Бу якунлар ижодкор ва қудратли совет халқининг меҳнат мевасидир.

1954 йилнинг биринчи ярмида бутун саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 102 процент бажарилди. Айрим министрликлар ярмийиллик давлат планини анча ошириб бажардилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социалистик экономикамизни ривожлантириш тўғрисида қилаётган ғамхўрликлари туфайли халқ хўжалиги йилдан-йилга юксалмоқда. СССРдаги бутун саноатнинг ялпи маҳсулоти 1954 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 14 процент кўпайди. Бу—социалистик саноатнинг илгариги йиллардагига қараганда анча тез сур'атлар блан ривожланаётганлигини кўрсатади. 1953 йилнинг биринчи ярмида саноатнинг ялпи маҳсулоти 1952 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 10 процент ўсган эди.

Социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустриянинг тўхтовсиз ривожланиши натижасида машинасозлик саноати халқ хўжалигининг барча тармоқларини ҳозирги замон техникаси блан ҳарқачонгидан ҳам кўра кўпроқ та'минламоқда. Кўмир, нефть чиқариш, прокат, электр қуввати, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, енгил ва озиқ-овқат саноати учун турли станоклар, оғир саноатнинг бошқа маҳсулотини ишлаб чиқариш плани ҳам ошириб бажарилди.

1954 йилнинг биринчи ярмида енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, кенг исте'мол моллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Ишлабчиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати яхшиланди. Аҳоли учун бежирим, нафис кийим-кечаклар ва бошқа кенг исте'мол моллари кўплаб ишлаб чиқарилди.

Социалистик қишлоқ хўжалиги ҳам йилнинг биринчи ярмида катта муваффақиятларга эришди. Қишлоқ хўжалик ходимлари КПСС Марказий Комитетининг февраль-март ва июнь Пленумлари қарорларини амалга ошириб, экин майдонларини анча кенгайтирдилар, қишлоқ хўжалигидан олинадиган экинларнинг ҳосилини оширдилар.

Кўкламги экиш ишлари муваффақиятли ўтказилди. Баҳори экинларни экиш плани ошириб бажарилди. Колхоз ва совхозлардаги баҳори экин майдонлари ўтган йилдагига нисбатан 9,5 миллион гектар оширилди. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ 1954—1955 йилларда бўз ва қўриқ ерларни очиш ҳисобига экин майдонлари янада кенгайтирилади.

Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари халқ хўжалигини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Область саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари Ўзбекистон ССР шонли 30 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, меҳнат соҳасида катта ғалабаларга эришмоқдалар.

Областимиздаги илғор саноат корхоналари ярим йиллик давлат планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқардилар. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ўзбекуголь» тресті, «Ташсельмаш» заводи, Янгийўл консерва заводи, Тошкент пайпоқ-трикотаж, фабрикалари, 4-нчи группа ғишт заводлари, радиодеталь, огнеупор, шампань винолари, ремонтподшипник, 1-нчи нон заводлари ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

«Ташсельмаш» заводи, Ташпромсоветнинг «Многопром» артели коллективлари социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Тошкент шаҳар совети ижроия комитети ва шаҳар партия комитетининг кўчма Қизил байроғини олдилар. Илғор корхоналарнинг коллективлари бу ғалабаларга социалистик мусобақани кенг ривожлантириш, ишлабчиқаришдаги мавжуд резервлардан, техника ва ишчи кучларидан унумли фойдаланиб, коллективни давлат планини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этаолдилар.

Шу кунларда областимиздаги колхоз ва совхозларда ғўза парвариши қизғин бормоқда. Ўз ишларини яхши ташкил этаолган илғор колхозларда ғўзалар агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Яхшилаб культивация қилинган ва чопиқдан кейин сифатли ўтиллаётган, кетма-кет қондириб суғорилаётган далалардаги ғўзалар гуркираб ўсмоқда ва мўл ҳосил тўпламоқда.

Броқ саноат соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам эришилган ютуқлар блан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Саноат корхоналаридаги асосий камчилик шундан иборатки, кўпгина корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ассортиментини кўпайтиришга, сифатини яхшилашга, таннархини камайтиришга, меҳнат унумини оширишга етарли э'тибор берилмаётир. Шунинг натижасида айрим корхоналарда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилса ҳам, ассортимент, маҳсулотнинг сифати ва таннархини камайтириш юзасидан берилган давлат топшириғи бажарилмай қолаётир. Социалистик мусобақа яхши уюштирилмаган, оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган айрим корхоналарда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани ҳам бажарилмай келади.

Янгийўл районидаги пойафзал-тўқув комбинатининг хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари давлат планини бажаришга, айниқса маҳсулотнинг сифатини яхшилашга етарли э'тибор бермаётирлар. Шунинг натижасида комбинат 6 ойлик ишлабчиқариш планини 82,7 процент бажарди, холос. Бу комбинатда ишлабчиқарилган маҳсулотнинг бир қисми кўпинча брак бўлади. Корхонанинг раҳбарлари ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга, коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга, илғор ишчиларнинг тажрибаларини кенг оммалаштиришга ниҳоятда бепарволик блан қараб келмоқдалар.

Ҳозирги вазифа — саноат ва қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни тезда тугатишдан иборатдир. Давлат плани—қонун. Уни сўзсиз бажариш ҳарбир корхонанинг шарафли бурчидир. Қолоқ корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари биринчи ярим йилликдаги қолоқлик сабабларини пухта ўрганишлари ва бу камчиликларни тугатиш тадбирларини кўришлари керак.

Саноат корхоналарининг ходимлари йилнинг биринчи ярмида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашлари, ишлабчиқаришдаги барча резервларни 1954 йил давлат планини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этишлари керак. Корхоналарнинг партия ва касаба союз ташкилотлари ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришлари, ишлабчиқариш новаторларининг рационализаторлик таклифларини ва илғор ишчиларнинг бой тажрибаларини кенг пропаганда қилишлари лозим.

Область саноат корхоналарининг ходимлари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олишлари лозим. Йилнинг биринчи ярми якунларидан ҳақли равишда фахрланган совет кишилари тинч ижодий меҳнат учун, халқ хўжалигининг янги ғалабалари учун коммунистик қурилишнинг синалган методи — социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар, шонли партиямизнинг доно раҳбарлиги остида коммунизмнинг янги ғалабалари сари олға борадилар.

## Ўртоқ В. М. Молотов Жанвадан Москвага қайтиб келди

22 июльда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши тамом бўлганидан кейин Жанвадан Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

## *Гулистон райони ғалла тайёрлаш планини бажарди*

ГУЛИСТОН. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март Пленуми ва июнь Пленуми қарорларидан илҳомланиб, барча қишлоқ хўжалик экинларидан, шу жумладан ғалладан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Карл Маркс номли, Свердлов номли колхозлар районда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш планини бажарган эдилар. 23 июльда Гулистон районида ғалла тайёрлаш плани муддатидан олдин 100,3 процент қилиб бажарилди.

## *Жанва кенгаши ҳақида Совет Ҳукуматининг*

# *БАЁНОТИ*

Ташқи Ишлар Министрларининг Жанва кенгаши 21 июльда ўз ишини тамомлади. Бу кенгаш Корея ва Ҳинди-Хитой масалаларини муҳокама қилмоқ учун Берлин кенгашининг қарорига мувофиқ чақирилган эди.

Деярлик уч ой давом этган иш натижасида Ҳинди-Хитойдаги, Лаос ва Камбоджадаги уруш ҳаракатларига барҳам берадиган битимлар имзоланди. Бу битимлар Вьетнамда, Лаосда ва Камбоджада тинчликни тиклаш ва мустаҳкамлаш блан боғлиқ муҳим вазифаларни, Жанва кенгаши қатнашчилари томонидан қабул қилинган Якунловчи Декларацияда бу ҳақда айтиб ўтилганидек, Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетига, бирлиги ва территориал бутунлигига риоя қилиш асосида ҳал этишга қаратилгандир.

Ҳинди-Хитойда урушнинг тўхтатилиши блан Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари олдида тинч вазият шароитларида иқтисодий ва маданий юксалиш имкониятлари очиладики, бу ҳол шу блан бирга улар блан Франция ўртасида дўстона ҳамкорликни ривожлантириш учун асос яратиб беради.

Жанва кенгашининг Вьетнам, Лаос ва Камбоджа территориясида ажнабий давлатларнинг ҳарбий базалари қурилишини тақиқлаш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек бу давлатларнинг ҳарбий иттифоқларга қўшилмасликлари ҳақидаги ва уруш ҳаракатларининг яна бошланиши учун ёки агрессив снёсатнинг амалга оширилиши мақсадларида ўзларидан фойдаланилишига йўл қўймасликлари ҳақидаги мажбуриятлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жанва кенгашининг Вьетнамда 1956 йил июль ойи мобайнида эркин сайловлар ўтказиш тўғрисидаги қарори бутун вьетнам халқининг миллий манфаатлари ва орзуларига мувофиқ равишда Вьетнамни миллий жиҳатдан бирлаштириш учун шароит яратиб беради. Демократик давлатларнинг зўр бериб ҳаракат қилганлиги натижасида қабул этилган бу қарор Жанубий Вьетнамни Шарқи-Жанубий Осиёда тузилмоқчи бўлган янги агрессив блокнинг плацдармларидан бирига айлантириш ниятида Вьетнамни парчалаб юборишга интилган агрессив кучларнинг мағлубиятга учраганлигини билдиради.

Камбоджа ва Лаосда 1955 йил мобайнида, якунловчи Декларацияда айтилганидек, асосий эркинликларга риоя қилган ҳолда, яшириш овоз бериш йўли блан умумий сайловлар ўтказиш ҳақидаги битим ҳам жиддий аҳамиятга эгадир.

Франция ҳукуматининг Франциянинг миллий манфаатларига мувофиқ суратда ва Ҳинди-Хитой халқларининг манфаатларини назарга олиб ҳаракат қилишга интилиб тутган ижобий позицияси туфайли ана шундай жуда муҳим қарорларни қабул қилиш енгиллашганлигини та'кидлаб ўтмаслик мумкин эмас.

Жанвада имзоланган битимларда ба'зи писандалар мавжуд бўлганлигига қарамай, ана шу юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар блан, шунингдек Жанва кенгашида бу кенгашнинг ишини муваффақиятли тамомлашга халақит бермоқчи бўлиб уринган АҚШ вакилларининг тутган позицияси натижасида юз берган бирқанча қийинчиликларни енгишга муваффақ бўлганлиги муносабати блан бу битимларнинг аҳамиятини сра камситиб бўлмайди. Ҳинди-Хитойда тинчликни та'минлаган бирлашган ишда Франция, Англия, СССР, ХХРва бошқа давлатлар блан бирга иштирок қилишни АҚШ истамади. Жанва битимлари тинчлик кучларининг муҳим ғалаба қилганлигини ва уруш кучларининг жиддий мағлубиятга учрагаилигини билдиради. Шу блан бирга Жанва битимлари Ҳинди-Хитой халқларининг миллий-озодлик қураши ва бу курашда кўрсатган буюк қаҳрамонлиги халқаро миқ'ёсда э'тироф қилинганлигини билдиради.

Жанва кенгашининг манфаатдор мамлакатлар ўртасида битимлар тузиш блан тамомлаганлиги факти ҳар иккала томонда яхши ният бўлганда халқаро музокараларнинг самарали бўлишини яна исботлайди, ҳозирги вақтда ҳал этилмаган муҳим халқаро масалаларни ана шундай равишда ҳал этиш мумкинлигини исботлайди.

Совет Ҳукумати Жанвада энг муҳим вазифани — Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш вазифасини ҳал этишда эришилган муваффақиятларни табриклайди. Бу вазифанинг ҳал этилганлиги ўз озодлиги ва миллий мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқларнинг манфаатларига, шунингдек барча тинчликсевар халқларнинг манфаатларига жавоб беради.

Ҳинди-Хитойда узил-кесил тинчлик ўрнатиш юзасидан энг муҳим вазифа блан бир қаторда Кореяда узил-кесил тинчлик ўрнатиш юзасидан ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифа турибди.

Кореяда урушни тўхтатиш ишида бундан илгариёқ олийжаноб ташаббус кўрсатган Совет Ҳукумати, ХХР ва КХДР ҳукуматлари Жанва кенгашида ҳам Корея масаласини муваффақиятли ҳал этиш йўлида ўз томонларидан бутун куч-қувватларини сарфладилар. Броқ, ма'лумки, ба'зи делегациялар томонидан ва асосан АҚШ делегацияси томонидан тўсқинликлар қилинганлиги оқибатида Жанва кенгаши бу масала юзасидан ижобий натижаларга эришмади. Совет Ҳукумати Кореяни миллий жиҳатдан бирлаштириш манфаатларини ва Осиёда ҳамда бутун дун'ёда тинчликни та'минлаш манфаатларини кўзда тутиб Корея масаласини тезроқ ҳал этишни та'минлаш албатта зарур деб ҳисоблайди.

Совет Ҳукумати ҳозирги вақтда халқаро муносабатларда халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишга ва давлатларнинг ўз ижтимоий тизимлари, ташқи сиёсат ва давлатлараро алоқаларнинг ҳарбий-стратегик ва бошқа ҳарбий-сиёсий ишларини ўзгартиришга ва ҳарбий-сиёсий ишларни ўзгартиришга ва ҳарбий-сиёсий ишларни ўзгартиришга ва ҳарбий-сиёсий ишларни

# СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1954 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида

## СССР Министрлар Совети хузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

| | 1954 йилнинг 1-нчи ярмида 1953 йилнинг 1-нчи ярмидагига нисбатан процент ҳисоби блан |
|---|---|
| Кальцийлаштирилган сода | 112 |
| Минерал ўғитлар | 111 |
| Қишлоқ хўжалик ўсимликларининг зараркунандаларига қарши ишлатиладиган заҳарли моддалар | 131 |
| Бўёқлар | 102 |
| Синтетик каучук | 101 |
| Автопокришкалар | 113 |
| Қурилишга яроқли ёғоч ташиш | 112 |
| Қоғоз | 109 |
| Цемент | 115 |
| Дераза ойнаси | 117 |
| Шифер | 121 |
| Томга ёпиладиган юмшоқ материаллар | 110 |
| Ғишт | 113 |
| Стандарт уйлар | 102 |
| Спирт | 114 |
| Ип газлама | 103 |
| Зиғирпоядан ишланган газламалар | 110 |
| Жун газламалар | 119 |
| Ипак газламалар | 157 |
| Кўн пойафзал | 110 |
| Резина пойафзал | 103 |
| Пайпоқ | 110 |
| Ички кийимлик трикотаж | 117 |
| Устки кийимлик трикотаж | 112 |
| Велосипедлар | 130 |
| Радиоприёмниклар | 207 |
| Телевизорлар | 288 |
| Патефонлар | 132 |
| Тикув машиналари | 125 |
| Соат | 129 |
| Фотоаппаратлар | 142 |
| Пианино ва рояльлар | 124 |
| Уй рўзғор учун холодильниклар | 316 |
| Пилесослар | 449 |
| Металл кроватьлар | 172 |
| Мебель | 128 |
| Гўшт ва колбаса маҳсулотлари | 102 |
| Балиқ | 113 |
| Сут маҳсулотлари | 110 |
| Қуюқлантирилган сут | 112 |
| Ўсимлик мойи | 117 |
| Маргарин | 116 |
| Пишлоқ | 105 |
| Кондитер моллари | 105 |
| Макарон маҳсулотлари | 116 |
| Консерва | 105 |
| Чой | 114 |
| Совун | 122 |
| Папирос | 113 |
| Гугурт | 122 |
| Узум виноси | 110 |
| Шампань виноси | 122 |
| Пиво | 113 |

Оғир саноат тармоқлари корхоналари 1954 йилнинг биринчи ярмида маданий-маиший эҳтиёжларга хизмат қиладиган молларни ва уй-рўзғор буюмларини анча кўп ишлаб чиқардилар. Аммо, Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, Машинасозлик ва асбобсозлик министрлиги, Оғир машинасозлиги министрлиги, СССР Ўрмон саноати министрлиги, Қоғоз ва ёғоч буюмлар ишловчи саноат министрлиги кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирган бўлсалар ҳам, бирқанча моллар ишлаб чиқариш планининг бажарилишини таъмин этмадилар.

Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари 1954 йилнинг биринчи ярмида аҳоли кўп талаб этадиган ва ассортименти яхшиланган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирдилар. Масалан, ип-газлама ишлаб чиқариш 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 3 процент ўсгани ҳолда, безакли ип газламалар ишлаб чиқариш 2,1 марта ва мебель-декоратив газламалар ишлаб чиқариш 36 процент кўпайди; жун газламалар ишлаб чиқариш 19 процент ўсгани ҳолда, соф жундан тўқилган камволь газламалар 2,2 марта, майин жундан тўқилган мовут 3,5 марта кўпроқ ишлаб чиқарилди; пайпоқ буюмлар ишлаб чиқариш 10 процент ўсгани ҳолда, «капрон» толасидан тўқилган пайпоқ 28 процент, жун ва ярим жун ипдан тўқилган пайпоқ 48 процент ортди; ички кийимлик трикотаж ишлаб чиқариш 17 процент ўсгани ҳолда, сун'ий ипакдан тайёрланган ички кийимлик трикотаж 44 процент ортди; устки кийимлик трикотаж тайёрлаш 12 процент ўсгани ҳолда, соф жундан тўқилган устки кийимлик трикотаж 88 процент кўпроқ тайёрланди; кўн пойафзал ишлаб чиқариш 10 процент ўсгани ҳолда, модель пойафзал ишлаб чиқариш 19 процент ортди. Яхши упоковка қилинган озиқ-овқат молларини чиқариш ҳам кўпайди.

Саноатда машина-ускуналар, хомаш'ё ва ёқилғидан фойдаланиш яхшиланди. 1954 йилнинг биринчи ярмида СССР Қора металлургия министрлиги заводларида домна печьларининг ҳажмидан фойдаланиш 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2 процент яхшиланди, мартен печьларининг ҳарбир квадрат метридан пўлат олиш 3 процент ортди. СССР Кўмир саноати министрлигига қарашли шахталарда «Донбасс» кўмир комбайнлари, кўмир ортиш ва тош-тупроқ ортиш машиналаринининг иш унуми 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан кўпайди. СССР Нефть саноати министрлигига қарашли корхоналарда қайта ишланаётган хомаш'ёдан тоза нефть маҳсулотлари чиқариш проценти кўпайди. Электростанциялар министрлигига қарашли корхоналарда электр қуввати ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёқилғи солмоғи камайди. СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли корхоналарда айланиб турадиган ва шахта цемент печьлари ҳамда цемент тегирмонларининг иш унуми 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан ортди. Ип газлама, жун, зиғирпоядан газлама ишлаш корхоналарида ва ипак саноати корхоналарида машина-асбоблардан фойдаланиш яхшиланди.

Шу блан бирга, саноатда ишлаб чиқариш қувватларининг мавжуд резервларидан ҳали тўла фойдаланилмаётир. Қора металлургия саноатида домна ва мартен печьлари ҳамда прокат станлари бирқанча вақт бекор турмоқда, нефть саноатида пармалаш машиналарининг кўп бекор туришига йўл қўйилмоқда, бинокорлик материаллари саноатида асосий технология машина-ускуналари планда кўрсатилганидан ортиқ бекор турмоқда, ёғоч тайёрлаш ишларида механизмлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда, машинасозлик заводларида станоклардан ва темирчилик-пресс ускуналаридан етарли даражада фойдаланилмаётир.

Ба'зи министрликлар янги техниканн жорий қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида қониқарли иш олиб бормаётирлар ва кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаш юзасидан белгиланган план топшириқларини бажармаётирлар. СССР Қора металлургия министрлиги янги техника ва янги технологияни ишлабчиқаришга суст жорий қилмоқда ва бунинг натижасида домна ва пўлат эритиш печьларининг иш унумини анча ошириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётир; СССР Кўмир саноати министрлиги кончилик техникасидан қониқарсиз фойдаланмоқда ва лаваларда ишлари цикл бўйича уюштириш планини бажармаётир; СССР Нефть саноати министрлиги кўмир чиқаришдаги илғор ва энг натижали методларни етарли миқ'ёсда жорий қилмаётир ва нефть маҳсулотларини қайта ишлашдаги янги процессларни суст ўзлаштирмоқда. СССР Ўрмон саноати министрлиги дарахт кесиш ишларини циклли метод бўйича уюштиришда белгиланган норматив юзасидан топшириқларни бажармаётир ва кесиб қўйилган ёғочларни ташиш юзасидан берилган топшириқларни бажармаётир; машинасозлик корхоналари машина, механизм, аппарат ва ускуналарнинг янги хилларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш топшириқларини тўла бажармаётирлар; СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги бинокорлик ишлари кийматини камайтирадиган янги хил эффектли бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришни суст ўзлаштирмоқда.

1954 йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотининг таннархи 3 процентдан зиёд камайди. Аммо 1954 йилнинг биринчи ярми учун таннархини камайтириш юзасидан планда белгиланган топшириқ бажарилмай қолди. СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Ўрмон саноати министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, Транспорт машинасозлиги министрлиги, СССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрлиги маҳсулотнинг таннархини камайтириш планини анча бажармай қолдилар.

### III.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Колхозлар, машина-трактор станциялари ва совхозлар кўкламги экишни муваффақият блан ўтказдилар. Баҳорги экинлар экиш плани ошириб бажарилди.

1954 йилда колхоз ва совхозларда баҳорги экинлар ўтган йилдагига нисбатан 9,5 миллион гектар ортиқ экилди. Шу блан бирга, баҳори дон экинлари майдони 6,4 миллион гектар, шу жумладан, баҳори буғдой майдони 3,6 миллион гектар ва дон ўрнида ишлатиладиган маккажўхори майдони 756 минг гектар кенгайди. Пахта майдони 354 минг гектарга кенгайди. Қанд лавлаги, кунгабоқар ва бошқа мойли экинлар, шунингдек бирйиллик ўтлар, илдизи молга едириладиган ўсимликлар ва силос ўсимликлар ўтган йилдагидан кўпроқ экилди. Картошка ва сабзавот майдонлари ўтган йилдагига нисбатан кенгайтирилди. Аммо шундай бўлса ҳам, картошка ва сабзавот экиш плани тўла бажарилмади. Зиғир экиш плани ҳам бажарилмай қолди.

Қозоғистон, Сибирь, Урал, Волга бўйи ва Шимолий Кавказ районларидаги колхоз ҳамда совхозларда дон экинлари майдонини кенгайтириш мақсадида 1954—1955 йилларда 13 миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиши керак. Бу йил ва келгуси йилда ҳосил олиш учун 1954 йил 10 июльгача қариб 10 миллион гектар ер ҳайдаб қўйилди. Давлат планига мувофиқ, колхоз ва совхозлар 1954 йилнинг кўкламида қўриқ ва бўз ерларда 2,3 миллион гектар ерга дон экинлари экишлари керак эди, ҳақиқатда эса 3,6 миллион гектар ерга дон экилди.

Колхоз ва совхозларда кузда ҳайдаб қўйилган ерларда бу йил кўкламда 1953 йилдагидан 13 миллион гектар ортиқ ерга экин экилди. Картошка, маккажўхори, кунгабоқар ва чопиқ қилинадиган бошқа экинларнинг талайгина қисми уялаб-квадрат усулида ва квадрат усулда ўтказилди ҳамда экилди.

Қишлоқ хўжалиги 1954 йилнинг биринчи ярмида 92 минг трактор (15 от кучи блан ҳисоблаганда), 52 минг юк автомобили, 18 минг дон комбайни, шу жумладан 8,5 мингта ўзиюрар комбайн, 15 минг трактор сенокосилкаси ва ўзиюрар сенокосилка, шу жумладан, қариб 4 минг ўзиюрар сенокосилка, шунингдек кўп миқдорда пахта терши машиналари, лавлаги комбайнлари, зиғир комбайнлари, дон тозалаш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини олди. Қишлоқ хўжалиги яна картошка йиғиштириб оладиган 5 мингдан ортиқ комбайн олди. Саноат ана шу комбайнларни бу йил кўплаб ишлаб чиқарабошлади.

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларга шу йилнинг биринчи ярмида 65 минг трактор, (15 от кучи блан ҳисоблаганда), 9 мингдан ортиқ дон комбайни ва 6 мингдан ортиқ юк автомобильлари юборилди.

Қишлоқ хўжалигининг техника блан тобора кўпроқ та'минланиши баҳори экинларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги ишларни янада кўпроқ механизациялаш имконини берди. Колхозларда бу йил баҳори экин экиш ишларининг 86 проценти механизациялаштирилди; колхозда картошка экиш ишларининг механизациялаштирилиши 40 процентдан ҳам ортиб кетди.

Машина-трактор станциялари шу йилнинг биринчи ярмида колхозларда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 26 миллион гектардан ортиқ ерда (ҳайдаш ишлари ҳисобидан) қишлоқ хўжалик ишларини бажардилар.

1954 йилнинг 1 июлигача колхозлардаги жамоат чорва молларининг сони 1953 йилнинг 1 июлидагига нисбатан қуйидаги миқдорларда кўпайди: сигирлар — 10 ва чўчқалар 5 процент. Колхозларнинг яйловларида қўй қишловининг қониқарсиз уюштирилганлиги натижасида қўйлар сони 3 процент камайди. СССР Совхозлар министрлигининг совхозларида сигирлар сони шу давр ичида 9 процент, чўчқалар сони 3 процент ва қўйлар сони 2 процент кўпайди.

Колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг ўз ихтиёрида бўлган моллар сони анча ортди. Колхозчиларнинг хусусий мулки бўлган сигирлар сони 1953 йилнинг 1 июлидан 1954 йилнинг 1 июлигача ўтган давр ичида 7 процент, ёш қорамоллар сони 15 процент, чўчқалар сони 26 процент ва қўйлар сони 35 процент кўпайди.

Мамлакатдаги маҳсулдор чорва молларнинг умумий сони хўжаликларнинг барча категориялари бўйича 1954 йилнинг 1 июлида 1953 йилнинг 1 июлидагига нисбатан дастлабки ма'лумотларга кўра, қуйидагича ортди: сигирлар — 8 процент, чўчқалар 13 процент ва қўйлар — 4 процент.

### IV.

### ТЕМИР ЙЎЛ, СУВ ТРАНСПОРТИ ВА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮК ТАШИШНИНГ ОШИШИ

1954 йилнинг биринчи ярмида темир йўл транспортида бир суткада ўрта ҳисоб блан юк ортиш умумий плани вагонлар ҳисобида 101 процент бажарилди. Аммо, вагонларнинг юк кўтариш қувватидан етарли даражада фойдаланилмаганлиги натижасида темир йўл транспорти ҳам, юк жўнатучилар ҳам юк ортиш планини тонна ҳисобида 99,7 процент бажардилар.

Қора металл, кокс, қора металл парчалари, торф, қишлоқ хўжалик машиналари, трактор, автомашиналар, химия ўғитлари ва минерал ўғитлар, дон, пахта, жун, зиғир ва пенька, туз, қанд, гўшт, мол ёғи, пишлоқ, тухум ва сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи, сабзавот ва мева, картошка, балиқ, консерва, кондитер моллари, макарон, чой, тамаки ва тамаки маҳсулотлари, газлама, трикотаж, кийимкечак ва тикилган бошқа моллар, мебель, совун ва парфюмерия, гугурт ортиш плани тўла ва ошириб бажарилди.

Тошкўмирни ортиш плани бажарилмади. Йилнинг биринчи ярмида 3 миллион тоннадан ортиқ тошкўмир ортилмай қолди. Ёғоч-тахта, ўтин, цемент, ўтга чидаш берадиган материаллар, бинокорлик материаллари, руда, флюс, пойафзал, уй-рўзғор учун керакли металл буюмлар ортиш плани ҳам тўлиқ бажарилмай қолди.

1954 йилнинг биринчи ярмида темир йўлларда бир суткада ўртача юк ортиш 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 6 процент ортди.

1954 йилнинг биринчи ярмида юк вагони оборотининг ўртача вақти 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан бирмунча камайди, аммо 1954 йилнинг биринчи ярмида юк вагонининг оборотини тезлатиш юзасидан берилган топшириқ тўла бажарилмади. Темир йўллар юк поездлари қатновининг коммерция тезлиги юзасидан берилган топшириқни ҳам бажармадилар.

Денгиз ва дар'ё флоти министрлиги 1954 йилнинг биринчи ярмида юк обороти планини умуман 91 процент бажарди. 1954 йилнинг биринчи ярмида денгиз ва дар'ё транспортининг юк обороти 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 4 процент ортди.

Денгиз транспорти юк обороти планини 102 процент ва юк ташиш планини 93 процент бажарди. Дар'ё транспорти юк обороти планини 82 процент ва юк ташиш планини 87 процент бажарди.

СССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 1954 йилнинг биринчи ярмида юк обороти планини 103 процент ва юк ташиш планини 101 процент бажарди. Автобусларда пассажирлар ташиш плани 108 процент бажарилди. Аммо, иттифоқчи республикалар автомобиль транспорти ва тош йўллар министрликларининг ба'зилари пассажир ва юк ташиш планини бажармадилар.

### V.

### КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИНГ ЎСИШИ

1954 йилнинг биринчи ярмида давлат капитал қурилишининг ҳажми 1953 йилнинг шу давридагига нисбатан 114 процентни ташкил этди. 1953 йилнинг биринчи ярмида капитал қурилишлар ҳажми 1952 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 104 процентни ташкил этган эди.

1954 йилнинг биринчи ярмида капитал қурилиш ҳажми 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан қора металлургияда 103 процентни, кўмир саноатида 123 процент, электро станциялар бўйича 118 процентни, машинасозликда 116 процентни, бинокорлик материаллари саноатида 110 процентни, ўрмон ва қоғоз саноатида 125 процентни, енгил ва озиқ-овқат саноатида 148 процентни, транспортда 108 процентни, қишлоқ хўжалигида 153 процентни, савдо-сотиқда 230 процентни ташкил этди.

1954 йилнинг биринчи ярмида уй-жой қурилиши, мактаблар қурилиши, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар боғчалари, яслилари, пионер лагерьлари, кинотеатрларни ва бошқа маданий-маиший муассасаларни қуриш кенг миқ'ёсда олиб борилди. 1954 йилнинг биринчи ярмида уй-жой қурилишида капитал ишларнинг ҳажми 1953 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 120 процентни ташкил этди.

Капитал қурилиш анча ўсганига қарамай, капитал қурилишлар ва халқ хўжалигидаги ишлабчиқариш қувватларини ишга туширишнинг ярмийиллик плани тўла бажарилмади. СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Нефть саноати министрлиги, Химия саноати министрлиги, Станоксозлик ва инструментал саноат министрлиги, СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги ва СССР Балиқ саноати министрлиги планни анчагина миқдорда бажармай қолдилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги ва Тайёрлаш министрлиги капитал қурилишларни кўп даража кенгайтирган бўлсалар ҳам, қурилиш—монтаж ишлари планини анча бажармай қолдилар. СССР Қурилиш министрлиги 1954 йилнинг биринчи ярмида қурилиш—монтаж ишлари планини 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 22 процент ортиқ бажарди. Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министрлиги эса 10 процент ортиқ бажарди. Аммо, бу министрликлар ярим йиллик планни тўла бажармадилар.

1954 йилнинг биринчи ярмида кўпгина қурилишларда машина ва механизмларнинг анча вақт бекор туришига ва улардан қониқарсиз фойдаланишга, ишчи кучлар кўнимсизлигига йўл қўйилди, қурилиш қийматини камайтириш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилиши та'мин этилмади.

### VI.

### ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДОНИНГ ЎСИШИ

1954 йилнинг биринчи ярмида совет савдосини янада ривожлантириш давом этди. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришда, меҳнат унумини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришда эришилган янги муваффақиятлар асосида Ҳукумат 1954 йилнинг 1 апрелидан бошлаб озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат чакана нархларини яна, карточка системасиз бекор қилингандан кейин еттинчи марта камайтирди. Нархларнинг яна камайтирилиши совет сўмини янада мустаҳкамлашга ва мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришга ёрдам берди.

1954 йилнинг биринчи ярми мобайнида аҳолига давлат ва кооператив савдоси йўли блан (таққослаб олинган нархларда) 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 21 процент ортиқ мол сотилди; шу блан бирга, қишлоқда савдо-сотиқни амалга оширучи Центросоюзнинг чакана товар обороти ана шу даврнинг ичида 32 процент кўпайди. 1954 йилнинг биринчи ярмида давлат ва кооператив савдосн чакана товар оборотн плани ошириб бажарилди.

1954 йилнинг биринчи ярмида айрим озиқ-овқат молларини сотиш 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан қуйидагн миқдорларда кўпайди: гўшт маҳсулотлари — 30 процент, балиқ маҳсулотлари — 24 процент, мол ёғи — 28 процент, ўсимлик мойи ва бошқа овқат ёғлари 13 процент, сут ва сут маҳсулотлари — 21 процент, қанд — 14 процент, кондитер моллари — 14 процент, чой — 19 процент, цитрус маҳсулотлари — 47 процент кўпроқ сотилди.

1954 йилнинг биринчи ярмида саноат молларидан қуйидаги моллар 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан кўпроқ сотилди: ип газлама — 19 процент, шойи газламалар — 45 процент, жун газламалар — 56 процент, кийим-кечак — 24 процент, трикотаж моллари — 24 процент, пайпоқ — 31 процент, кўн пойафзал — 15 процент, соат — 36 процент, тикув машиналари — 31 процент, мебель — 37 процент, пилесослар — 4 мартадан зиёд, патефонлар 33 процент, телевизорлар — 2 мартадан кўпроқ, радиоприёмниклар — 2 мартадан кўпроқ, фотоаппаратлар — 53 процент, велосипедлар — 29 процент, мотоциклар — 65 процент, енгил автомобильлар — 70 процент, холодильниклар қариб 3 марта, кир ювиш машиналари 10 марта кўпроқ сотилди.

1954 йилнинг биринчи ярмида ишлабчиқариш — хўжалик эҳтиёжлари учун керакли молларни, чунончи, ёғоч-тахта, цемент, дераза ойнаси, шифер, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар, мих ва тунука, шунингдек колхозлар олган юк автомобильларн 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан чакана савдо йўли блан анча кўпроқ сотилди.

Аммо, бирқанча районларда аҳолининг ба'зи молларга бўлган талаби ҳали тўла қондирилаётгани йўқ.

**Ташқи савдо** соҳасида 1954 йилнинг биринчи кварталида чет мамлакатлар блан иқтисодий алоқа кенгаяборди, ташқи савдо обороти ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 30 процент кўпайди.

### VII.

### ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР СОНИНИНГ КЎПАЙИШИ ҲАМДА МЕҲНАТ УНУМИНИНГ ОШИШИ

1954 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчилар сони 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан анча ортди. Шу давр ичида саноатда, қурилишда ва транспортда ишчи ва хизматчилар сони 1 миллион 200 минг кишига ортди, ўқув юртларида, илмий-текшириш муассасаларн ва даволаш муассасаларида 300 мингдан зиёд кишига, савдо ва уй-жой—коммунал хўжалигида 200 минг кишига ортди.

Трактор бригадалари ишчиларининг МТСлардаги доимий ва мавсумли ишчилар қаторига қўчирилганлиги муносабати блан, қўриқ ва бўз ерлари ўзлаштирилаётган районларда ишчилар ҳамда мутахассислар сонининг ортиши блан қишлоқ хўжалигида — МТС ва совхозларда банд бўлган ишчилар ва хизматчилар сони 1953 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2 миллион 300 минг кишига кўпайди.

1954 йилнинг биринчи ярмида фабрика-завод та'лими мактабларини, кон саноати мактабларини ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўқув юртларини 338 минг ёш малакали ишчи тамомлаб чиқди ва улар саноат, қурилишда, транспорт ва қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юборилди. Булардан 228 мингдан ортиқ механизатор қишлоқ хўжалигига юборилди. Якка-якка ва бригада усулида ўқитиш ҳамда курсларда ўқитиш йўли блан 3 миллион 600 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи та'лим олди ва уларнинг малакаси оширилди.

1954 йилнинг биринчи ярмида меҳнат унуми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан саноатда 7,5 процент ва қурилишда 7 процент кўпайди. Аммо, саноатда ва қурилишда меҳнат унумини ошириш плани тўла бажарилмади.

### VIII.

### МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Еттийиллик ва ўрта мактабларни, шу жумладан ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларини тамомлаб чиққанларнинг сони бу йил ўтган йилдагига қараганда 14 процент кўпроқ бўлди. Ўнинчи синфларни тамомлаб чиқиб, етуклик аттестати олганларнинг сони шаҳарларда ўтган йилдагига нисбатан 69 процент ва қишлоқ жойларида 82 процент кўпайди.

Бу йил олий ўқув юртлари ва техникумларни сиртдан ўқиб тамомлаганларни қўшиб ҳисоблаганда 550 мингдан ортиқ ёш мутахассис тамомлаб чиқади.

1954 йил биринчи ярмининг охирига келганда киноустановкалар сони ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан қариб икки мингтага кўпайди.

Шу йилнинг биринчи ярмида шаҳар атрофидаги ва шаҳарлардаги пионер лагерьларида ҳамда экскурсия-туристлик базаларида ёки болалар боғчалари, болалар уйлари ва болалар яслилари блан бирга далага чиқилган жойларда дам олаётган болалар ва ўсмирлар сони ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан кўпайди. Қишлоқ жойларда болалар учун кўп миқдорда ёзги болалар майдончалари ташкил этилди.

1954 йилнинг биринчи ярмида аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш янада яхшиланди ва кучайтирилди. Ма'лумки СССР да медицина ёрдами бошқа барча

1954 йилнинг биринчи ярмида планнинг бажарилиш якунлари СССР нинг бутун халқ хўжалиги янада ривожланаётганлигини ва СССР тараққиётининг 1951—1955 йилларга мўлжалланган бешйиллик плани топшириқлари муваффақиятли бажарилаётганлигини исбот этади.

**СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.**

## *Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига келучилар учун концертлар*

Москва давлат филармонияси Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиларига ва виставкани тамоша қилучиларга бадиий хизмат кўрсатишни ташкил этмоқда.

Виставка территориясида 3.400 ўринли ёзги театр ва 1.300 ўринли концерт эстрадаси очилади. Виставка қатнашчилари ва виставкага келучилар учун мамлакатнинг етакчи музика коллективлари, шу жумладан СССРнинг И. Маисеев раҳбарлигидаги халқ рақси Давлат ансамбли, Пятницкий номидаги Давлат рус халқ хори, «Березка» хореографик ансамбли, Н. П. Осипов номидаги Давлат рус халқ оркестри концерт беради.

Виставкада бериладиган концертларда қатнашиш учун Украина, Белоруссия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон ва бошқа республикаларнинг халқ хорлари ҳамда ансамбллари келади.

ССР Иттифоқи Давлат симфоник оркестри ва Москва область филармонияси оркестри рус ва Ғарбий Европа классикларининг асарларини, совет композиторлари ва халқ демократияси мамлакатлари композиторларининг асарларини ўз ичига олган катта программани кўрсатадилар. Концертларда машҳур дирижёрлар К. Иванов, А. Гаук, С. Самосуд, Н. Рахлин қатнашадилар.

СССР халқ артистлари К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко номли музикали театр коллективи икки спектакль — С. Гулакнинг «Дунай орқасидаги Запорожьели» операсини ва У. Гажибековнинг «Аршин-мололон» номли музикали комедиясини кўрсатади. Москва оперетта театри Ю. Милютинниг «Трембита» музикали спектаклини қўяди.

Москва Давлат филармонияси томонидан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида ташкил этиладиган концертларда 25 тадан кўпроқ музикали коллективлар қатнашади. (ТАСС).

## „Тарихий материализм" китобининг янги нашри

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти «тарихий материализм» китобини иккинчи марта нашр этди. Бу китоб СССР Фанлар академияси Философия институтининг авторлар коллективи томонидан СССР Фанлар академиясининг корреспондент — а'зоси Ф. В. Константиновнинг умумий таҳрири остида ёзилган.

Авторлар китобни иккинчи марта нашр этишга тайёрлаганда китобнинг тузилишини бирмунча ўзгартириш ҳамда унинг баён этилишидаги равшанликка ва тушинишли бўлишига халол етказмасдан ҳажмини қисқартиш тўғрисида илмий ва педагогика жамоатчилиги томонидан қилинган тилакларни ҳисобга олдилар.

Китобнинг тиражи — 1 миллион нусха.

(ТАСС).

## *Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни олдидан*

ОЛМАЛИҚ, 21 июль. (ЎзТАГ). Олмалиқ транспортчилари меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Машинист ўртоқ Сомов ва унинг ёрдамчиси ўртоқ Колокольцев мусобақада намуна бўлмоқдалар. Улар ҳарбир рейсни графикда белгилангандан 30—40 минут олдин ўтказмоқдалар. Ўртоқ Сомов бошлиқ бригада июль ойида шаҳарнинг янги қурилишлар учун пландан ташқари юзларча тонна юк ташиди.

* * *

Малая Ташкентская болалар темир йўли ишга туширилганига 18 йил бўлди. Бу йўлда темирйўл ва шаҳар мактабларининг ўқучилари хизмат қилмоқдалар. Кўпгина ёш темирйўлчилар ўз касбларини яхши эгалладилар. Станция бўйича дежурний, 38-нчи темир йўл мактабининг ўқучиси Маруся Протасова поездларни ҳамиша графикка мувофиқ равишда жўнатмоқда. Старший машинист ўқучи Саидов поездларни а'ло равишда ҳайдамоқда.

Малая Ташкентская темир йўлида тарбияланган болалардан кўплари техникумларни ва олий ўқув юртларини тамомлаб, чин темирйўлчи бўлдилар. Масалан, ўртоқ Қосимова пассажир поездининг бошлиғи бўлиб, ўртоқ Хайруллаев тепловоз машинистининг ёрдамчиси бўлиб ишламоқда, ўртоқ Егунов транспорт институтини тамомлаб чиқди ва ҳозир Москвада аспирантурада ўқиётир. (ЎзТАГ).

# Ғўза парваришини шу куннинг талабига мувофиқ ўтказиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирайлик!

☆ ☆

## „Қизил пахтакор“ колхози юксалмоқда

Бекобод районидаги «Қизил пахтакор» колхози район марказидан 70 километр узоқликда жойлашган. Бундан 2—3 йил илгари колхоз районнинг энг қолоқ колхозларидан ҳисобланар эди. Колхоз узоқда жойлашганлиги туфайли район раҳбарлари у ерда камдан-кам бўлар ва аҳвол блан оз қизиқар эдилар.

Колхозчилар 1952 йилнинг бошида ўртоқ Игнатенкони раис қилиб сайладилар. Ўртоқ Игнатенко халқ ишончини оқлаш йўлида колхоз партия ташкилоти ва активларига таяниб иш олиб борда ва қисқа вақт ичида колхозни қолоқликдан чиқариб, хўжаликни ривожлантиришга моҳирлик блан раҳбарлик қилмоқда.

Колхоз правлениеси асосий э'тиборни биринчи навбатда экин майдонларини кенгайтиришга қаратди. Шу давр ичида фақат пахта майдони 1950 йилдаги 397 гектардан 612 гектарга етди. Экин майдонлари асосан қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига кенгайтирилди. Экин майдонларининг кенгайишига қараб ҳосил миқдори ҳам ортиб борди. Масалан, 1950 йилда ҳар гектар ердан олинган ҳосил атиги 8,8 центнерни ташкил қилган бўлса, 1953 йилда ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил олинди.

Колхозда фақат пахтачиликгина ривожланмасдан, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам йил сайин юксалаётир. Фактларга кўз ташлар экамиз, қўйлар сони 311 бошдан 2842 бошга, эчкилар 25 бошдан 194 бошга, отлар 120 бошдан 183 бошга, қорамоллар 30 бошдан 231 бошга, туялар 1 бошдан 26 бошга етказилганини кўрамиз. Шу блан бирга чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш соҳасида ҳам анча ишлар қилинди.

«Қизил пахтакор» колхози ер шароити жиҳатидан суғориладиган ерларда жойлашган бўлса ҳам, броқ бу ерда боғдорчиликдан нишон ҳам йўқ эди. Шу 2—3 йил ичида колхоз 12 гектарга яқин ерга мевали дарахтлар ўтқазди. Ҳозир булардан дастлабки ҳосил ҳам олинабошланди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларидан руҳланган колхоз а'золари бу йил 80 гектар янги ерни очиб, картошка, сабзавот ва полиз экинлари экдилар.

Колхоз хўжалигининг комплекс асосда ривожланиши туфайли, колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ҳам тобора яхшиланмоқда. Масалан, 1953 йилда колхозчилар ҳарбир меҳнат кунларига 7 сўм 25 тийиндан пул олдилар.

Социалистик колхоз қишлоғи ҳам йил сайин обод бўлиб, кўркамлашмоқда. Бундан бирнеча йиллар илгари капаларда яшаган колхозчилар, ҳозир янги уйларда маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Колхозда қурилиш ишларига тобора катта э'тибор берилмоқда. Ўтган йили колхозда бир кеча-кундузга 20 тоннадан пахта қуритиш мумкин бўлган намунали газ сушилкаси қурилди. Бу эса пахта тайёрлашда нобудгарчиликка йўл қўймасдан, унинг тез қуритилишини та'минлашда катта роль ўйнади. Натижада колхоз давлат пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди.

Қурилиш ишлари 1954 йилда ҳам давом этдирилмоқда. Яқинда 250 колхозчи хонадонини электр нурлари блан ёритадиган ГЭС ишга туширилди. Бундан ташқари, 400 точкали колхоз радиоузели, 100 бош сигир сиғадиган молхона, кенг отхона, товуқхона ва бошқа бинолар қуриш ишлари бошлаб юборилди. Айниқса қиш ичи ноқулай об-ҳаво шароитида йўлнинг ёмонлигидан район блан колхоз ўртасида алоқа узилиб қолиш ҳоллари ҳам юз бериб турарди. Бу йил ана шунинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. 8 километрга чўзилган ботқоқликдан иборат ноқулай йўлни тузатишга киришилди.

Колхоз а'золари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, шу жумладан пахтачиликни янада ривожлантиришга қаратилган қарорларидан бениҳоя руҳланиб, бу йил 612 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Улар КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини муҳокама қилар эканлар, бу мажбуриятни яна 5 центнерга оширишга, я'ни ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар.

Ҳозир барча бригадаларда мўл ҳосил учун кураш қизғин давом этдирилмоқда. Ҳосил тўплашда июльнинг мас'улиятли давр эканлигини яхши тушунган колхозчилар ғўза парваришидаги бутун далачилик ишларини агротехника қоидалари асосида бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар. Озиқлантириш, суғориш ишларининг тўғри, ғўзанинг тобида ўтказилишига айниқса катта э'тибор берилмоқда. Бу муҳим ишларга энг тажрибали пахтакорлар ажратилган. Мўл ҳосил етиштиришда механизаторлар актив қатнашмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхозчи ва механизаторларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиб берганлар. 11 та далачилик бригадасининг ҳаммасида яхши жиҳозланган намунали дала шийпонлари бор.

«Қизил пахтакор» колхозининг азамат пахтакорлари ва колхозда хизмат қилаётган механизаторлар партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга замин яратмоқдалар.

**Т. СУННАТОВ.**

## *Механизаторларнинг намунали иши*

Ховос районидаги Молотов номли колхозда хизмат қилаётган 2-нчи МТС нинг универсалчиларидан Эшонқулов.Н, Отахонов ўртоқлар меҳнат унумини тобора оширмоқдалар. Улар колхознинг барча майдонидаги ғўзани ҳозиргача 4 марта культивация қилиб, 2 марта озиқлантирдилар. Сифатли парвариш қилинаётган ғўзалар тез авж олиб, текис кўсакламоқда.

Колхозда КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини ўрганишга бағишлаб ўтказилган суҳбатга қатнашган механизаторлар пахтадан мўл ҳосил етиштиришда колхозчиларга яқиндан ёрдам бериб, ғўзаларни тез ва сифатли культивация қилишга, СУЗ блан 3-нчи марта озиқлантириб беришга қарор қилдилар.

**Ш. НАЗМИТДИНОВ.**

Пискент районидаги 1-нчи МТСнинг илғор универсалчиси ўртоқ **И. Алижонов** мавсумда 1000 гектар ердаги ғўзага ишлов бериш мажбуриятини олган эди. У, ҳозиргача 900 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаб берди. **Суратда:** Универсалчи **И. Алижонов** (чапда) ва бригада механиги **В. Беликов** кунлик иш натижасини якунламоқдалар.

**Епифанов** фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

## Ғўзани барги орқали фосфор блан озиқлантириш

Ўсимликни барги орқали озиқлантириш агротехникада янги усулларнинг биридир. Бунда ўғитлар пуркаш ёки чанг-лаш йули блан ўсимлик баргларига юқтирилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг қишлоқ хўжалик институтида П. И. Учеваткин ва А. А. Бородулиналар 1949 йилдан бери ғўзани барги орқали фосфор блан озиқлантириш устида иш олиб бормоқдалар. Ҳозир ғўзаси барги орқали озиқланаётган майдонлар йилдан-йилга кенгаймоқда. Масалан, 1951 йилда республикада 10 минг гектар ердаги ғўза барги орқали озиқлантирилган бўлса, 1953 йилда 170 минг гектар ердаги ғўза шу усулда озиқлантирилди. 1954 йилда эса 300 минг гектар ердаги ғўзани барги орқали озиқлантириш мўлжалланган.

1952 йилдаги кузатишлар, фосфор блан баргидан озиқлантирилган ғўзалардаги кўсакларнинг ярим очилиши одатдагидан 1—2 кун илгари, тўла очилиши эса, 3—8 кун илгари очилганини кўрсатди. Баргидан озиқлантириш натижасида ҳар туп ғўза ўрта ҳисобда 2—3 тадан ортиқ кўсак тугди; пахта ҳосили 19—29 процент ошди.

«Ўзбекистон ССР Бешйиллиги» номли совхозда ишлабчиқариш шароитида ғўзаларни баргидан фосфор блан ялписига озиқлантириш натижасида ҳосилнинг 6—8 дан 22,2 процентгача ошганлиги ма'лум бўлди. Уч йил ўстирилиб, кейин бузилган беданоядаги ғўзаларни баргидан фосфор блан озиқлантириш янада яхшироқ натижа берди.

Ғўзага фосфорли ўғитни мумкин қадар эрталабки салқин вақтда чанглаш ёки пуркаш керак. Чунки бу маҳалда ғўза барларида шудринг бўлади, дори яхши ёпишади ва тезда эриб барг мағзига сингади.

Ғўза ялпи ғуллаб ҳосил тўплаш даврига кирганда баргидан фосфор блан озиқлантириш жуда яхши натижа беради. ғўза кўпроқ ҳосил тўплайди, гул, кўсак, шоналар кам тўкилади. Бундай пайтда кўсакларнинг вазни ортади, энг муҳими, кўсаклар тез етилиб, анча эрта очилади, демак пахта ҳосили ошади.

1954 йилда июльнинг иккинчи ярмиси ва август ойи давомида барча колхоз ва совхозларда ғўзалар баргидан фосфор блан албатта ўғитлантирилиши керак.

Шудринг кам тушадиган ёки бутунлай тушмайдиган районларда ғўзаларга суперфосфатни пуркаш ма'қул. Аммо шудринг кўп тушадиган ерларда ғўзаларга суперфосфатни чанглаш яхши натижа беради. Бу ҳолда суперфосфат яхши майдаланган ва майда кўзли ғалвирда эланган бўлиши шарт. Суперфосфатни эзлаштан олдин яхшилаб қуритиш, ғуж-ғуж бўлиб қотиб қолган бўлса майдалаш керак. Суперфосфатдаги фосфорни нейтраллаш учун пуркашдан олдин унга 5 процент миқдорида ўтин кули қўшиш лозим.

Ғўзаларга суперфосфатни орқаланадиган, от блан юритиладиган ёки тракторга тиркаладиган аппаратлар блан, шунингдек, самолётдан туриб чанглаш мумкин. Ҳарбир чанглашда бир гектар ердаги ғўзага 35—50 килограмм миқдорда 18 процентли суперфосфат сарф қилинади. Агар суперфосфатдаги фосфор миқдори кам бўлса уни нормага етказиш учун суперфосфат миқдори оширилади.

Агар ғўзаларга ўргумчаккана тушган бўлса, ўсимликни баргидан озиқлантиришни ўргумчакканага қарши кураш блан қўшиб олиб бориш ҳам мумкин. Бу ҳолда 100 килограмм суперфосфатга 50 килограмм майдаланган, эланган қуриқ олтингугурт қўшиб ўғит-дори аралашмаси тайёрланади ва бу аралашма ҳар гектар ерга 53—75 килограммдан сарфланади. Натижада ғўзадаги ўргумчаккана қуриб ташланади ва шу блан бирга ғўза баргидан фосфор блан озиқланади.

Суперфосфат ғўзага баргидан пуркалиган бўлса 100 килограмм суперфосфатга 300 — 400 литр сув қўшиб ўғит эритмаси тайёрланади. Бу эритма бир сутка турғизилиб, орада бирнеча марта қориштирилиб қўйилади. Сўнгра эритма суғичдан ўтказилиб бошқа идишга олинади, қуйқаси эса шудгор маҳалида ерга солиш учун сақланади.

Ўғитлаш олдида дастлабки эритманинг ҳар 10 литрига 100 литр сув қўшилади. Шу хилда суюлтирилган суперфосфат орқаланадиган, от блан юритиладиган ёки тракторга тиркаладиган асбоблар блан пуркалади. Суперфосфат самолётдан туриб пуркаладиган бўлса, дастлабки эритмага сув қўшилмайди. Пуркашнинг ҳам энг яхши пайти эрталаб соат 11 гача, кечқурун эса соат 4—5 дан кейинги вақтлар ҳисобланади.

Ғўзалар ўсиб қатор оралари бекилиб қолган ўсимликни ердан озиқлантириш қийин бўлган вақтда ғўзалар баргидан суперфосфат блан озиқлантирилади. Бу, ғўзалар ёппа ғуллаб авжи ҳосил тўплаётган даврга тўғри келади.

**А. ЛУПАНОВ,**
«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг агрономи.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БЛАН ҚУТИБ ОЛАЙЛИК

## Чирчиқ шаҳар мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик кечиктирилмоқда

Мактабларни янги ўқув йилига ҳартомонлама пухта тайёрлаш — давлат аҳамиятига эга бўлган катта ишдир. Мактаблардаги ўқув-тарбия ишларининг муваффақияти ва бутун ўқитув процессининг нормал бориши кўп жиҳатдан янги ўқув йилига ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Чирчиқ шаҳар халқ маорифининг ходимлари ва саноат корхоналарининг коллективлари мавжуд традицияга мувофиқ шаҳар мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбурият олдилар ва шу асосда мактаблар ремонтини бошлаб юбордилар.

Олинган социалистик мажбуриятга қат'ий амал қилаётган нўпгина корхоналар ўз оталигидаги мактабларнинг бинолларини, мебель ва инвентарьларни июль ойидаёқ ремонтдан чиқардилар, уларни янги ўқув йилига тахт қилиб қўйдилар. Нижне-Комсомольскдаги 4-нчи мактабга оталик қилаётган Чирчиқ гидроэлектростанциясининг каскади бу мактабнинг ремонтини шаҳарда биринчи бўлиб тамомлади, физика ва химия кабинетларини жиҳозлашда катта ёрдам кўрсатди. Шунингдек шаҳардаги 2, 11 ва 5-нчи мактабларда ҳам ремонт ишлари белгиланган муддатларда тугалланди.

Аммо Чирчиқ шаҳар мактабларини янги ўқув йилига тайёрлашда бу каби ба'зи муваффақиятлар блан бирга ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Асосий камчилик шундан иборатки, мактаблар ремонти арзимаган баҳоналар блан ҳаддан ташқари кечиктирилмоқда ёки бутунлай э'тибордан четда қолдирилмоқда. Масалан, 9-нчи мактабни олайлик. «Средазхиммаш» заводи оталигидаги бу мактаб капитал ремонт қилинди, унинг биринчи қаватидаги пол қайта очиб ёпилиши — янгиланиши керак. Лекин завод қурилиш материаллари йўқлигини баҳона қилиб, мазкур ишни бажаришдан бош тортмоқда.

Шаҳардаги 10, 3, 8 ва 1-нчи мактабларда ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Улар зарур қурилиш материаллари блан та'минланмаётирлар. Шунга кўра ремонт ишлари кечиктириб юборилмоқда. Чирчиқ шаҳар халқ маорифи бўлими бу йил мактаблар ремонти учун фақат 40 килограмм белила ва 140 килограмм алиф олди, холос. Ваҳоланки бу материал қатто бир мактабнинг ремонти учун ҳам етмайди. Шундай экан, ремонт талаб 10 га яқин мактабни қачон ремонтдан чиқариш мумкин?

Аҳвол ана шундай аянчли бўлишига қарамай, Тошкент область халқ маорифи бўлими ҳам, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳам бу масала блан жиддий шуғулланмаётир, мактабларнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондириш тўғрисида мутлақо ўйламаётир, шаҳар халқ маорифи бўлимининг бу ҳақдаги қатор сигналларига бефарқ қарамоқда.

Ҳозир Чирчиқ шаҳрида 3 та ўнйиллик мактаб биноларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Булардан 2 таси август ойида қуриб тамомланиши ва фойдаланишга топширилиши лозим. Броқ Ўзбекистон ССР Граждан уй-жой қурилиши министрлигининг 12-нчи қурилиш-монтаж Бошқармаси Бўзсув посёлкасида тикланаётган мактаб биноси қурилишини жуда кечиктирмоқда. Мактаб қурилиши сур'атининг бу қадар суслигига сабаблардан бири — қурилиш материалларининг қурилиш майдонига системали равишда келтириб турилмаётганлигидир. Бунинг устига ишчи кучи етишмайди, механизмлардан эса ёмон фойдаланилмоқда.

12-нчи қурилиш-монтаж бошқармасида қурилишга техникавий раҳбарлик қиладиган бош инженернинг йўқлиги айниқса кечирилмас бир ҳолдир. Аҳвол шундай бўлсада, Бошқармага республика Граждан уй-жой қурилиши министрлиги ҳеч қандай ёрдам бермаётир. Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Чирчиқ шаҳрида мактаблар қурилишига етарли э'тибор бермаётир, шаҳар мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш сур'атларини тезлатишни ҳаёлига ҳам келтирмаётир. Шу кунгача бирорта мактабга ёқилғи ташиб келтирилмаган. Шаҳар халқ маорифи бўлими (мудири ўртоқ Емелина) Чирчиқ мактаблари учун қанча ёқилғи фонди ажратилганини билмайди. Афтидан, Тошкент область халқ маорифи бўлимидагилар ҳам бундай фондларни унутиб қўйган бўлсалар керак.

Ба'зибир саноат корхоналари ўз оталигидаги мактабларга ремонт ва айрим майда хўжалик масалаларини ҳал этишга ёрдам бериш блан бирга, умумий мажбурий та'лим ҳақидаги Қонунни бажаришга, болаларни политехника та'лими асосида ўқитишга ҳам ёрдам бермоқдалар. Электрохимия комбинати коллективининг бу соҳадаги ишлари диққатга сазовордир.

Электрохимия комбинати 10-нчи ва 8-нчи мактабларда политехника та'лимини ўқув процессларига кенг жорий қилишда анчагина тадбирларни амалга оширди. Натижада мазкур мактаблар металл намуналаридан иборат стенд блан та'минланди, техника кабинетларида выставкалар уюштирилди, электромашиналарнинг турлича макетлари жиҳозланди, химикатларнинг коллекциялари совға қилинди ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси ўғинналаётган фанларнинг ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилишига самарали та'сир кўрсатиши шубҳасиздир.

Кўпгина саноат корхоналари эса бу ишнинг туб моҳиятига қануз тушунмай етмаётирлар. Улар ўз оталик бурчларини фақат мактабни ремонт қилиш, майда хўжалик масалаларини ҳал этишдангина иборат деб англамоқдалар, умумий мажбурий та'лим Қонунини бажариш, политехника та'лимини жорий қилишда мактабга яқиндан кўмаклашиш зарурлигини мутлақо э'тибордан четда қолдирмоқдалар. «Электрошчит» ва «Чирчиқсельмаш» заводлари наби саноат корхоналарининг фаолияти бунга яққол мисол бўлаолади.

Шаҳар партия, совет ва комсомол ташкилотлари, саноат корхоналари раҳбарларини олдида турган ҳозирги вазифа — мавжуд камчиликларни тезда тугатишдан, мактаблар ремонтига ва қурилишига ҳарқачонгидан кўра э'тиборни кучайтириб, давлат аҳамиятига эга бўлган бу ишга кенг жамоатчиликни сафарбар этишдан, шу асосда мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ҳартомонлама тахт қилиб қўйишдан иборатдир.

**Л. САИДАЛИЕВ.**

## Тайёргарлик ишлари кучайтирилди

СССР Йўллар министрлигининг Тошкент электромеханика техникумида янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳозир ўқув корпусидаги барча аудиториялар, кабинетлар, парта, доска, стол, стул ва бошқа инвентарьлар ремонтдан чиқарилди.

Техникум кутубхонасига бирнеча минг сўмлик турли адабиётлар сотиб олинди. Тошкент темир йўл бошқармаси техникумнинг сигнализация, централизация ва блокировка, телефон-телеграф алоқаси лабораториялари учун 100 минг сўмлик ҳархид тажриба асбоблари юборди. Ўқув юртининг тепловоз кабинети қўшимча равишда янги дизель, электр қисмлари ва ҳархил детальлар блан та'минланди.

Студентларнинг маданий-маиший турмушларини янада яхшилаш мақсадида 60 минг сўмлик янги кроватлар ва стол стуллар сотиб олинди. Йил охиригача техникум студентлари учун яна 100 кишилик ётоқхона қурилиб ишга туширилади.

**И. БУРХОНОВ,**
**А. ТОЖИЕВ.**

## Қозоғистон сан'аткорлари Янгийўлда

20 ва 21 июльда Янгийўл шаҳар Ворошилов номли маданият ва истироҳат боғининг ёзлик театри биносида қардош Қозоғистон ССР сан'ат ходимлари ижросида катта концерт берилди

Концертни шаҳар ишчи ва хизматчилари, колхозчилар тамоша қилдилар. Концерт бошланиши олдидан Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист, оркестрнинг бош дирижёри Ш. Кажгалиев Курманғози номидаги Қозоғистон халқ чолғу асбоблари оркестрининг босиб ўтган ижодий йули ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Тамошабинлар оркестр томонидан ижро этилган «Абай», «Биржан ва Сора» операларидан ижро этилган парчаларни сўз қазиқиш блан тингладилар. Оркестр Ғарбий Европа композиторларининг асарларини ҳам, совет композиторлари ижод қилган ёқимли куйларни ҳам зўр маҳорат блан ижро этди.

СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Кулеш Бойсеитова саҳнага чиқиб келганида, зални гулдурос қарсаклар садоси тўлдирди. Кулеш Бойсеитова совет композиторлари томонидан яратилган энг яхши қўшиқларни ижро этди. Айниқса унинг «Қозоқча вальс» қўшиғи тамошабинларда чуқур таассурот қолдирди.

Қозоғистон ССР сан'ат ходимлари ижросидаги концертни мингдан ортиқ тамошабин келиб кўрди.

# Илғор районнинг қолоқ МТСида

Биз Сирдар'ё район 1-нчи МТС зонаси бўйича райком секретари ўртоқ Мейрбеков блан Ильич номли колхозда учрашдик. У шошиб турган эди. Орадан икки минут ўтар-ўтмас «зарур ишим бор» деб колхоз раиси ўртоқ Муллаев блан машинага ўтириб Велико-Алексеевск станциясига қараб жўнади. Шу бўйича у бир ҳафтагача «Сельхозснаб»нинг Велико-Алексеевск станциясидаги омборидан катта йўл ёқасидаги қизил чойхонага бориб-келиб юрди. Колхозларга чиқишни унутди, МТС да нима иш қилинаётганидан хабар ҳам олмади. Колхоз экспедиторлари ёки раисларининг ўзлари олиши мумкин бўлган минераль ўғитни «Мен олиб бермасам бўлмайди» деб беҳуда вақт ўтказиб юрди. Қайси машинага ўғит ортилабошланса, унинг тепасида Мейрбеков қўлини орқасига қилиб «Ҳа бўлҳа бўл» қилишди.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Колхозчилар ўғит олаётганда райком секретарининг улар тепасида тамоша қилиб туриши қанақанги иш услубига киради? МТС зонаси бўйича райком секретари ўртоқ Мейрбековнинг бундай беҳуда ҳаракати нимга керак?

Биринчи МТС зонасида Ильич номли, Ворошилов номли, «XIX партс'езд», «Ленинизм», «Ленинобод» ва «Коммунизм» колхозлари бўлиб, бу колхозларга 63 «универсал» биркитиб қўйилган. Демак, бир трактор 71,3 гектар ерни ишлаб бериши керак. Белгиланган нормага мувофиқ ҳарбир трактор 10 кун ичида 71,3 гектар ердаги ғўзани культивация қилиши ва шу ерларга ўғит солиб бериши керак. Броқ МТС белгиланган графикка мувофиқ иш олиб бормаётир. Кўп тракторчилар кунлик иш нормасини бажармаётирлар. Бир хил имкониятларга эга бўлган 2-нчи МТС га қараганда 1-нчи МТС кунлик тоширишнинг 50 процентини ҳам бажараолмаётир. Айниқса ғўзаларни озиқлантириш кечиктириб юборилмоқда. Айрим ўнкунликларда ғўзаларни озиқлантириш планининг бажарилиши 45—46 процентдан ошмаётир. Ильич номли, «Коммунизм» колхозларида ғўзаларни озиқлантириш ниҳоятда судралмоқда.

МТС даги ма'лумотларга қараганда, Ильич номли колхозда кейнинги ўн кунликда культивация қилиш плани 160 процент бажарилган, Бундан ғўё ҳамма иш яхшига ўхшаб кўринади. Аслида эса аҳвол бошқача. Бу колхозга МТС томонидан 12 «универсал» биркитиб қўйилган. Броқ бу тракторларнинг ҳаммаси нормал ишламайди. Кўп тракторлар бир кун ишласа, икки кун тўхтаб туради. Кўчма устахона келмаганидан колхозда бузилиб ётган 4 та трактор МТС га жўнатилди. МТС томонидан берилган планга мувофиқ 60 сантиметрли кенгликдаги ғўза қатор ораларини ишлаш учун тракторлар етишмаганига қарамасдан МТС раҳбарлари тракторларни шу ишга мослаштириш учун ҳаракат қилмаётирлар.

Ильич номли колхоздаги барча тракторларда тормоз йўқ. Бунинг натижасида тракторлар яхши бурилмай қатор бошидаги ғўза тупларини кесиб кетмоқда.

1-нчи МТС хизмат қилаётган Ильич номли колхозда оммавий-сиёсий ишлар йўлга қўйилмаганидан меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Колхоздаги 14 бригададан 4, 5, 13 ва 1-нчи бригадалардагина иссиқ овқат ташкил этилган. Колхозда меҳнатнинг тўғри ташкил этилмагани ва меҳнат интизоми бўшашиб кетгани туфайли ғўза парвариши жуда сифатсиз ўтказилмоқда. Кўпгина бригадаларда ғўза парвариши кечиктириб юборилмоқда.

Ильич номли колхоз камқувват колхоз ҳисобланади, аммо биринчи МТС бу колхозга мутлақо қониқарсиз ёрдам бермоқда. Бу колхозда культивация, ғўзаларни озиқлантириш, чопиқ ва суғориш каби муҳим тадбирлар кечиктириб юборилаётир.

Шу МТС зонасидаги «Коммунизм» колхозида аҳвол бундан ҳам ёмон. Агар сиз колхоз раҳбарларидан: «Колхоз бўйича илғор бригада қайси» деб сўрасангиз улар дарҳол Ч. Шоҳбозов бошлиқ биринчи бригадани кўрсатадилар. 88 гектар пахта майдонига эга бўлган ва ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган бу бригадада аҳвол қандай? Шу бригаданинг 18 гектар ердаги ғўзалар чопиқсиз, сувсиз, шўра ва ғумайлар ичида кўмилиб ётипти. 51 гектар ердаги ғўза биринчи чопиқдан чиқарилганидан кейин «ўт босиб кетади» деган баҳона блан озиқлантирилмаган ва суғорилмаган. Маҳталган бу бригадада меҳнат интизомининг бўшашиб кетишига колхоз раҳбарлари ва активларнинг ўзлари сабаб бўлаётирлар. Йил бошида бу бригадага 40 киши бириктирилган эди. Шулар орасида колхоз раиси Қўшқ Қорабоевнинг хотини Лолахон, қишлоқ совети раиси С. Исломовнинг хотини Турсуной, колхоз тафтиш комиссиясининг раиси А. Довидовнинг хотини Исторахон, бухгалтер Х. Қўқонбоевнинг хотини Сорахон ҳам бор. Бу «катта»ларнинг хотинларини ишга чиқариш тўғрисида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаётир.

«Коммунизм» колхозининг бошқа бригадаларида ҳам шу каби аҳвол давом этмоқда. Бунинг устига 1-нчи МТС раҳбарлари бу камқувват колхозга жуда ёмон ёрдам бераётирлар. Колхоз малакали механизатор кадрлар блан та'мин этилмагандан ғўза парваришида жиддий хатоларга йўл қўйилаётир. 1-нчи МТС планига мувофиқ колхозда 370 гектар ердаги ғўза бўйига ва энига қараб ишланиши керак эди. Броқ тажрибасиз универсалчилардан М. Ботиров, И. Ғайдаровлар 200 гектар ердаги ғўзаларни кўндаланигига культивация қилган вақтда қинғир-қийшиқ юрганларидан экинининг кўпини қирқиб кетиб, нобуд қилганлар.

«Коммунизм» колхозининг раҳбарлари: «Бизда ишчи кучи кам» деб кўп гапирадилар. Броқ мана шундай баҳона блан мавжуд ишчи кучларидан рационал фойдаланилмаётир. Бу колхозда отчопар, ҳайбаракаллачилар кўпайиб кетган. «Коммунизм» колхозида ранс ва партия ташкилотининг секретарьларидан ташқари 43 киши от миниб ҳайбаракаллачилик қилиб юрибди. Идора ходимлари 25 процент иш кунини далада ишлаб топишлари лозим бўлгани ҳолда, бирор кишн ҳам ғўза чопиғида қатнашиб меҳнат кунни ишламаган.

«Коммунизм» колхозининг бундай аҳволга тушиб қолишига колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб борилмаслиги асосий сабаб бўлаётир. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Каримберди Бурҳонов бу муҳим ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Рўйхатда 13 агитатор бўлса ҳам, бирорта агитатор колхозчилар ўртасида иш олиб бормаётир. Деворий газета, «Жанговар варақа» чиқарилмайди. Йил бошидан бери бир марта деворий газета чиқарилган, холос, 7 та далада шийпонидан бирортаси ҳам безатилмаган. 3 та радиоприемник колхоз омборида бузилиб ётипти. Колхозчилар ўртасида ғўза парваришини жадаллатиш учун ўзаро социалистик мусобақа ишлари олиб борилмаётир.

Биринчи МТС раҳбарлари, жумладан ўртоқ Мейрбеков Ильич номли, «Коммунизм» колхозларига тез-тез бориб турадилар. Аммо, улар наридан-бери ҳарқайси соҳадан бир шингилдан сўраган бўладиларда, яна қайтиб нетаберадилар «Коммунизм» колхозида ба'зи ўнкунликларда ғўзаларни озиқлантириш плани 30 процентдан, ғўза чопиғи плани 65 процентдан ошмаётир.

Биз ўртоқ Мейрбековдан минг гектарчи тракторчиларнинг иш натижаларини сўрадик. Мейрбеков минг гектарчиларнинг иш якуни «месткомда» деб жавоб берди. МТС маҳаллий комитетининг раиси эса, «менда йўқ, бош инженерда бўлса керак» дейди. Ниҳоят бош инженер ҳам, бундай нарсани кўрмаганини айтди. Бу МТС да минггектарчилар ҳаракатига мана шундай муносабатда бўлинганидан, ҳарбир трактор блан бир кунда 12,5 гектар ўрнига 7—8 гектар ердаги ғўза культивация қилинмоқда. 63 трактордан бир кунда ўртача 35 трактор ишлаяпти, холос.

1-нчи МТС да аҳвол шундай бўлгани ҳолда, ўртоқ Мейрбеков асосий э'тиборни трактор паркининг тўла қувват блан ишлашига, колхозларда ғўза парваришини графикка мувофиқ олиб боришга қаратиши керак эди. Бунинг учун МТС механизаторлари ва колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, уларнинг унумли ишлаш учун зарур шароитлар яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим эди. Лекин у бундай қилмаётир. «Ўғитларни ўзим олиб бермасам бўлмайди» деб асосий иш вақтининг кўп қисмини бекорга ўтказмоқда.

Бунинг ўрнига у, колхозларга оператив ва конкрет раҳбарлик қилиши, ҳамаватт қолоқ деб танқид қилинадиган 1-нчи МТС ни ҳам илғор МТС лар қаторига чиқариб олиш учун чинакам ғайрат кўрсатиб ишлаши керак.

**Б. ХАЛИЛОВ,**
**А. НАБИХУЖАЕВ.**

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

## Кўприк қачон тузатилади?

Тошкент шаҳар Киров районидаги «Победа» боғи ёнидан Чимкент тракти ўтади. Кўчанинг ёнидан катта сув оқади. Тракт Егоч уй деган жойга борганда сувни катта кўприк орқали кесиб ўтади. Бу кўприкдан кечаю-кундуз транспорт ўтиб туради. Шаҳардаги абразив, Чимкент, чўян заводларига, 1, 2, 3, 4, 5-нчи ғишт заводларига ва бошқа жойларга транспортлар шу кўприк орқали ўтиб борадилар. Бу кўприк Тошкент шаҳрини областимизнинг Калинин райони блан боғлайди. Чимкент трактидаги бу кўприк жуда катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, у бирнеча йилдан бери ремонт қилинмайди. Кўприкнинг ёғочлари чириган, ўрта қисмлари ўпирилиб ҳам кетган. Кўприкнинг ёнида ёндор ёғочлари бўлмаганидан ундан ўтиш жуда хавфлидир. Машиналар бу кўприкдан жуда эҳтиётлик блан зўрга ўтадилар.

Кўприкнинг ишдан чиқиб бораётганлиги, ремонт қилиш кераклиги ҳақида Киров район ижроия комитетига (раиси ўртоқ Нуриллаев) бирнеча марта сигнал берилган. Лекин район ижроия комитетининг раҳбарлари бу муҳим ишга ҳалигача аҳамият бермай келмоқдалар. Е район раҳбарлари бу йўлдан бизнинг машина юрмайди-ку, шунинг учун ремонтнинг нима кераги бор деб ўйлайдиларми? Раҳбарлар нима деб ўйлашса ўйлашаверсинлар, аммо меҳнаткашлар кўприкнинг тезда тузатилишини талаб қилмоқдалар. Бу ҳақли талабга қулоқ солиш пайти келди.

**Ҳ. ЖАЛИЛОВ.**

## Дам олучиларга маданий хизмат яхшилансин

Партия ва ҳукуматимиз совет кишиларининг маданий дам олишлари ҳамда уларнинг соғлигини тобора яхшилашга катта э'тибор бераётирлар.

Оржоникидзе районидаги «Ўзбекистон Х йиллиги» дам олиш уйи областимизнинг энг яхши ва манзарали жойларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили мингларча меҳнаткашлар дам оладилар. Броқ дам олиш уйи (директори ўртоқ Посисоев) дам олучиларга етарли даражада маданий хизмат кўрсатмаётир. Директориннг маданий ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Хўжаев эса мавжуд камчиликларни тугатишга бепарволик блан қараб келмоқда.

Дам олиш уйига янги кинофильмлар кам келтирилади, ба'зан бир хил кинолар 3—4 марталаб кўрсатилаверади. Бу ерда спорт майдончаси номигагина ташкил қилинган. Спорт асбоблари мутлақо етишмайди, миллий музика асбоблари йўқ.

Дам олиш уйида уюштирилаётган экскурсиялар талабга жавоб бермайди. Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналарига ва Оржоникидзе районидаги МТС ва колхозларга экскурсияга бориш учун барча имкониятлар бўлса ҳам, нимагадир бу тадбирлар амалга оширилмаётир.

Дам олиш уйининг раҳбарлари дам олучиларга маданий хизмат қилишни янада яхшилаш учун мавжуд камчиликларни тезда тугатишлари керак.

**С. НАЗАРОВ.**

## В. М. МОЛОТОВ ЖАНВАДАН ЖУНАБ КЕТДИ

ЖАНВА, 22 июль. (ТАСС махсус мухбири) СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов бугун Жанвадан Москвага жўнаб кетди.

Аэродромда В. М. Молотовни Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Фам Ван Донг, СССР, Хитой Халқ Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикаси делегацияларининг Жанва кенгашидаги а'золари, делегацияларнинг экспертлари ва маслаҳатчилари, СССРнинг Швейцариядаги вакили Ф. Ф. Молочков кузатиб қолдилар.

В. М. Молотовни Жанва кантони ҳукуматининг бошлиғи Ш. Дюбуль ҳам кузатиб қолди.

## Чжоу Энь-лай ҳузурида В. М. Молотов ва Фам Ван Донг шарафига зиёфат

ПЕКИН, 22 июль (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Жанвадан хабар беради: кеча кечқурун Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри В. М. Молотов ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри вазифасини бажаручи Фам Ван Донг шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан В. В. Кузнецов, С. А. Виноградов, Ф. Ф. Молочков, К. В. Новиков, Ф. А. Феденко, А. А. Лавришчев, Н. П. Цигичко, А. М. Ледовский ва А. Н. Казанский ҳозир бўлдилар.

Вьетнам томонидан зиёфатда Фан Ань, Тран Конг Тюнг, Куанг Биу, Данг Тин ва Ха Ван Лау ҳозир бўлдилар.

Хитой томонидан зиёфатда Чжан Вэнь-тянь, Ли Кэ-нун, Ван Бин-нань, Лэй Жэнь-минь, Ши Чжэ, Фин Сюань, Цяо Гуаньхуа, Чэнь Цзя-кан, Хуань Сян, Ван Чжо-жу ва Лай Ин-фу ҳозир бўлдилар.

Зиёфат самимий дўстлик вазиятида ўтди.

## ХАЛҚ ПОЛЬШАСИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ

**Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси Циранкевич ҳузурида қабул маросими**

ВАРШАВА, 22 июль. (ТАСС). Кеча Польша Халқ Республикаси Министрлар советининг Раиси Юзеф Циранкевич халқ Польшасининг 10 йиллиги муносабати блан катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети президиумининг а'зоси, ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи маршали Н. А. Булганин, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Болеслав Берут, Давлат кенгашининг раиси Александр Завадский, Польша маршали Константин Рокоссовский, Польша бирлашган ишчи партияси МК Сиёсий бюросининг а'золари, Давлат кенгаши ва ҳукумат а'золари, шунингдек СССРнинг Польшадаги элчиси Н. А. Михайлов, дипломатик корпусининг а'золари, Четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг делегацияси ва ўн йилликни байрам қилиш учун Польшага келган бошқа четэл делегациялари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

## ГДРда янги олий ўқув юртлари

БЕРЛИН, 22 июль. (ТАСС). Ҳозир Германия Демократик Республикасида 31 та олий ўқув юрти бор. Олий ўқув юртларининг сони кўпайиб бормоқда. ГДР ҳукумати янги олий ўқув юртлари қуриш ва ҳозирги вақтда ишлаб турганларини кенгайтириш учун катта маблағлар ажратмоқда.

Янги институтлар ва клиникалар қуришга катта э'тибор берилмоқда. Грейфсвальддаги, Иена ва Галледаги химия институтлари кенгайтирилмоқда. Ростокда университет ҳузурида медицина клиникаси қурилмоқда. Берлиндаги бирқанча олий ўқув юртлари кенгайтирилмоқда. Матбуотнинг хабар беришича, учта янги медицина академияси қурилиши тамомланмоқда. Бу медицина академиялари шу йил сентябрь ойининг бошларида Эрфуртда, Дрезденда ва Магдебургда очилади.

## Польшада В. И. Ленин номидаги металлургия комбинатининг биринчи домнаси ишга туширилди

ВАРШАВА, 23 июль. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги олтийилликнинг энг йирик об'екти В. И. Ленин номидаги металлургия комбинатида биринчи домна ишга туширилганлигини хабар қилди.

Биринчи домна ишга туширилганлиги муносабати блан бўлган тантанага Польша бирлашган ишчи партияси ва Польша ҳукуматининг раҳбарлари: Польша бирлашган ишчи партияси МК секретари Двораковский, Министрлар совети раисининг ўринбосари Ярошевич, Иқтисодий планда давлат комиссияси раисининг ўринбосари Ванг, металлургия саноати министри Жемайтис, саноат қурилиши министри Бомбинский ва бошқалар келдилар. Тантанада совет меҳмонлари ҳам ҳозир бўлдилар.

## Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариатининг Вьетнам тинчликни ҳимоя қилиш комитетига ва Франция тинчлик миллий кенгашига мактублари

ВЕНА, 23 июль. (ТАСС). Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисида битим тузилганлиги муносабати блан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретариати Вьетнам тинчликни ҳимоя қилиш комитетига мактуб юборди. Мактубда бундай дейилади:

Биз сизларни яраш тўғрисида битим имзоланганлиги блан табриклаймиз ва қизғин қутлаймиз, бу битим Вьетнам, Патет-Лао ва Кхмер территорияларида кўп йил мобайнида давом этган урушга барҳам беради. Биз музокаралар методининг тантана қилиш учун узоқ вақт давомида куч-ғайрат блан ишлагандан ва курашгандан кейин эришилган бу битимни барча тинчликсевар кучларнинг умумий галабаси деб табриклаймиз. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретариати Вьетнам тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг фаолиятини та'кидлаб ўтгач, Жанва кенгашининг муваффақияти халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги муҳим босқичдир, деб уқтириб ўтади.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариатининг Франция тинчлик миллий кенгашига юборган мактубида уқтириб ўтладики, Жанва кенгашининг муваффақияти «Осиёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, герман пробелмасини миллатларнинг суверенитети, мустақиллиги ва хавфсизлиги асосида ҳал этиш йўли блан Европада тинчликни та'минлашга қаратилган ҳаракатни давом этдириш учун стимулдир».

## АЛБАНИЯ ХАЛҚ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИДА

ТИРАНА, 21 июль. (ТАСС). Кеча Халқ мажлиси халқ мажлиси президиумининг сессиялари ўртасидаги даврда чиқарган фармонларини тасдиқлади.

Халқ мажлисининг президиуми 15 кишидан иборат қилиб сайланди. Президиум раислигига Хажи Леши сайланди.

Сўнгра Меҳмет Шеху янги ҳукуматни Халқ мажлиси тасдиқига қуйидаги составда тақдим этди: Министрлар советининг Раиси — Меҳмет Шеху; Министрлар совети Раисининг биринчи ўринбосарлари: Хюсни Капо (айни бир вақтда қишлоқ хўжалик министри), генерал-лейтенант Бекир Балуку (айни бир вақтда халқ мудофаа министри); Министрлар совети Раисининг ўринбосарлари: Мануш Муфтиу ва Тук Якова, Давлат план комиссиясининг раиси Спиро Колека, саноат ва шахталар министри — Кочо Теодоси, ички ишлар министри — генерал-майор Қадриҳ Ҳазбиу, ташқи ишлар министри — Бехар Штюлла, қурилиш ва коммуникациялар министри — Иосиф Пашко, савдо министри — Кичо Ндьеля, молия министри — Абдул Келлези, маориф ва маданият министри — Бедри Спахиу, юстиция министри — Бильбиль Клоси, соғлиқни сақлаш министри — Медар Штюлла, Давлат контроль комиссиясининг раиси — Шефтьет Печи.

Мехмет Шеху янги ҳукуматнинг программасини баён қилиб айтдики, ҳукумат бутун э'тиборини асосий вазифани бажаришга қаратади, бу асосий вазифа мамлакатнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлашдан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кўпайтиришдан ва меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашдан иборат.

Халқ мажлиси янги ҳукумат составини якдиллик блан тасдиқлади.

Шу блан Халқ мажлисининг сессияси ёпиқ деб э'лон қилинди.

## БМТнинг ҚУРОЛСИЗЛАНИШ КОМИССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 22 июль. (ТАСС). 20 июльда БМТ қуролсизланиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия муҳокамасига мазкур комиссиянинг кичик комитети тайёрлаган доклад тақдим этилган. Ма'лумки, СССР, АҚШ, Англия, Франция ва Канада вакиллардан иборат бу кичик комитет Лондонда мажлис қилган эди.

Доклад шуни кўрсатадики, АҚШ, Англия, Франция ва Канада қарши чиқаётганлиги натижасида кичик комитет қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш ҳақидаги ҳамда ялпи қирғин қуролини тақиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан келишаолмаган. АҚШ, Англия, Франция ва Канада вакиллари қуролсизланиш комиссиясининг ўзидагидек кичик комитетда ҳам аввалгича, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш ҳамда ялпи қирғин қуролини тақиқлаш тўғрисидаги масаланинг ижобий ҳал этилишига қарши чиққанлар ва бу масалани ҳал этишни бошқа давлатларнинг қурол-яроғлари ҳамда қуролли кучлари ҳақида разведка ма'лумотлари тўплаш блан олмаштиришга ҳархил йўллар блан урингандар. Бу мамлакатларнинг вакиллари кичик комитетда Совет Иттифоқи тақдим этган, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтиришга, атом ва водород қуролини ҳамда бошқа хил ялпи қирғин қуролини сўзсиз тақиқлашга қаратилган, шунингдек, бу тақиқлашнинг бажарилиши устидан қаттиқ халқаро контроль ўрнатилишига қаратилган таклифларни рад этганлар.

Мажлисда сўзга чиққан Франция, Англия ва Қўшма Штатлар вакиллари БМТ қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг иши муваффақиятсизликка учраганлигги учун айбни ўз зиммаларидан соқит қилишга ва бу айбни Совет Иттифоқига тўнкашга бехуда уриндилар. Улар кичик комитетда ўзлари тақдим этган таклифлар гўё «компромисс»дан иборат эди деб асоссиз да'во қилдилар. Шу блан бирга Қўшма Штатлар ва Англия вакиллари Совет таклифларининг моҳиятини бузиб тасвирлашга уриндилар, Қўшма Штатлар вакили, агар ғарбий давлатлар қурол-яроғларни камайтириш ва ялпи қирғин қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Совет таклифларини қабул қилсалар, у вақтда улар «тузоқ»ға тушиб қолдилар, деб бема'ни равишда да'во қилишгача борди етди. Брок, у бу «тузоқ»нинг нимадан иборат бўлажагини тушунтириб бермади.

Қўшма Штатлар вакилининг нутқи, шунингдек Англия ва Франция делегатларининг нутқлари уларнинг қурол-яроғларни камайтириш ва ялпи қирғин қуролини тақиқлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш ниятида эмасликларини кўрсатади.

Комиссия кичик комитет докладини муҳокама қилишни давом этдирмоқда.

## ЖАНВА БИТИМЛАРИ — ТИНЧЛИК ДУШМАНЛАРИГА ҚАТТИҚ ЗАРБАДИР

### Ҳиндистон Компартияси МК сиёсий бюросининг баёноти.

ДЕҲЛИ, 23 июль. (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партияси МК Сиёсий бюроси Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш ҳақида битимга эришилганлиги муносабати блан баёнот э'лон қилди.

Жанва битимлари, дейилади баёнотда, Вьетнамда уруш ҳаракатларининг тўхтатилишига ҳарқандай қилиб бўлса ҳам йўл қўймасликни истаган, Шарқи-Жанубий Осиёда кескинликни янада кучайтиришга ва бу районда ғарбий империалистик давлатларнинг ҳамда уларнинг Осиёдаги қўғирчоқларининг агрессив иттифоқини тузишга уринган кишиларга қаттиқ зарба бўлиб тушди.

Баёнотда бундай деб уқтириб ўтилади: «Жанва декларациясининг Вьетнамда Канада, Ҳиндистон ва Польша составидан иборат халқаро комиссия контролида ўтказилиши лозим бўлган умумий сайловларга таллаулқли моддалари 16 ғарбий давлатнинг Кореяда умумий сайлов тўғрисидаги масалада тутган позицияси, шунингдек ғарбий давлатларнинг Германияни бирлаштириш тўғрисидаги масалада Берлин кенгашида тутган позицияси нақадар нома'қул позиция бўлганлигини кўрсатади. Шу сабабдан Жанва битими Ҳинди-Хитойдаги уч давлатга доир сиёсий пробелмаларни ҳал этиш йўлини очиб бериш блангина қолмай, балки агар бу битим астойдил қабул қилинса ва ҳамма тегишли давлатлар томонидан бажарилса, Корея ва Германия проблемаларини ҳал этиш учун ҳам йўл очиб бериши мумкин».

«Тинчлик дўстлари хотиржамликка берилмасликлари керак, — дейилади баёнотда, — балки Жанва кенгаши вақтида қандай ҳуш'ёрлик кўрсатган бўлсалар, Жанва битимини бажариш соҳасида ҳам шундай ҳуш'ёрликни кўрсатишлари лозим. Жанва битимининг бажарилишини контроль қилучи, шу жумладан Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг сиёсий истиқболини ҳал этиши лозим бўлган умумий сайловларни контроль қилучи халқаро комиссияда а'зо бўлган Ҳиндистон зиммасига алоҳида мас'улият юклатилади».

## ЖАНВА КЕНГАШИНИНГ САБОҚЛАРИ ҲАҚИДА «ДЕЙЛИ ГЕРАЛЬД» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 23 июль. (ТАСС). «Дейли геральд» газетаси Жанва кенгашининг оқибати ҳақида инглиз матбуотида ёзилган фикрлар америка матбуотида баён қилинаётган фикрлардан фарқ қилганлигини уқтириб, бундай деб ёзади: «Жанва кенгаши одамларнинг бир-бирларини қиришига барҳам беришгина қолмади. Жанва кенгаши ба'зи гумон-шубҳаларни бартараф қилди ва ба'зи ташвишларни йўқотди. Бу — шундай принципга асосланган битимдирки, буюк давлатлар блокларини ташкил этган миллатлар, шунингдек кўп азоб-қулфатларни ўз бошидан кечирган Ҳинди-Хитой халқи бирга яшашни ўрганмоқлари керак...

Давлат арбоблари Жанвада шунинг натижасида муваффақиятга эришдилар-ки, улар ана шу ҳақиқатни онглайбошладилар. Эндиликда уларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси шундан иборатки, ана шу принципни бошқа катта проблемаларни ҳал этишга татбиқ қилиш керак, агар ана шу пробелмалар ҳал этилмай қолсалар ,улар бизларни халокатга тортишлари мумкин».

## АҚШ ЭРОНДА ВА ПОКИСТОНДА НЕФТЬ КОНЦЕССИЯЛАРИ ОЛМОҚЧИ

ТЕҲРОН, 22 июль. (ТАСС). «Сафид ва сиёҳ» журнали ёзади: «АҚШ Покистоннинг ғарбий қирғоғидаги портлардан бирида Эрондаги Ободон заводи сингари йирик нефть тозалайдиган завод қурмоқчи. Бу завод қурилишига яқин келгусида киришиш ҳақида иккала томон вакиллари ўртасида келишилган.

АҚШ Белужистондаги нефть конларини ишлатиш учун концессия олишга интилмоқда. Пармалаш ишлари Эрон Белужистони территориясида олиб борилиши керак. Шу сабабдан, пармалаш ишларини америка мутахассислари ёрдами блан олиб бориш ҳақида ҳозирги вақтда музокаралар давом этмоқда.

Эронда нефть саноатини национализация қилиш ҳақидаги қонун ажнабий давлатга концессиялар беришни тақиқлайди. Шу сабабдан америка мутахассисларидан бир группаси Эрон миллий нефть компаниясига хизматга кирмоқчи».

## Сурия касаба союзлари Дамашқда иш ташлаган тўқимачиларни қўллаб-қувватламоқдалар

ПАРИЖ, 22 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Дамашқдан хабар беради: Сурия касаба союзларининг вакиллари 20 июльда бўлган мажлисда, агар иш ташлаган Дамашқ тўқимачиларининг талаблари қондирилмаса, умумий забастовка э'лон қилишга қарор берганлар. Умумий забастовка Дамашқда 24 июльда ва вилоятларда 26 июльда бошланиши лозим.

## Ғарбий Германиядаги сув тошқинига доир

БЕРЛИН, 22 июль. (ТАСС). «Дер таг» газетасининг хабар беришича, Баварияда ва Юқори Пфальцда 1.648 квадрат километр ерни сув босган. Газетанинг мўлжалича тошқиндан кўрилган зарар 200 миллион маркага етади. Сув ҳозиргача қайтмаганлиги сабабли, деб ёзади газета, сув босган ерлардан бу йил фойдаланиш мумкин бўлмаса керак.

Газетанинг та'кидлаб ўтишича, сув босган районларда юқумли касалликлар тарқалиш хавфи бор.

## Италияда америка ҳарбийларининг бебошлиги

РИМ, 22 июль. (ТАСС). «Жорнозпу Д'Италиа» газетасининг хабар беришича, мас бўлиб қолган америка полковниги — Жон Вестфорт деган биров Неапольдаги серқатнов майдонлардан бирида ўтиб кетаётган кишиларга қаратиб топпанчадан бирнеча марта ўқ ўзган. Сўнгра Америка полковниги яқиндаги қурилиш майдончасига бориб, ишчиларга қаратиб бирнеча марта ўқ узган.

Ҳайриятки, бу хил бебошлик натижасида аҳолидан ҳеч ким ярадор бўлмаган.

## Бенилюкс мамлакатлари ўртасида ихтилофлар

ГААГА, 22 июль. (ТАСС). «Де телеграаф» газетасининг хабар беришича, Бенилюс мамлакатлари (Бельгия, Голландия ва Люксембург) министрларининг Брюссельдаги конференциясида бу мамлакатлар ўртасида жиддий ихтилофлар чиққан. Газетанинг ёзишига қараганда, Бельгия Голландияда сода саноати барпо этиш тўғрисидаги қонун проектини Голландия парламентида муҳокама қилиш кечиктирилсин деб талаб қилмоқда. Голландия министрлари Бельгиянинг бу талабини рад этганлар. Бельгия ҳам ўз навбатида Голландиядан қуйиқлантирилган сут келтиришни тўхтатишга қарор қилган. Газетанинг ёзишича, ихтилофлар юз берганлиги оқибатида Бенилюкснинг иқтисодий иттифоқи ҳақидаги музокаралар ҳеч қандай натижага олиб келмаган. Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартнома проектини қайтадан кўриб чиқиш кечиктирилган.

Сўнгра газетанинг ёзишига кўра, Бельгиядаги йирик «Сольвэй» деган сода концерни конкуренциядан хавфсираб Голландияда сода саноати барпо этилишига қарши чиқмоқда.

## АҚШда реакцион қонун проекти

ВАШИНГТОН, 22 июль. (ТАСС). АҚШ вакиллар палатаси юридик комиссиясининг кичик комиссияси кеча Қўшма Штатлар Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисидаги қонун проектини ма'қуллади. Вакиллар палатаси юридик комиссияси кичик комиссиясининг раиси республикачи Грэхэм (Пенсильвания Штатидан) тақдим этган бу қонун проектига биноан, Коммунистик партия ва унинг ҳамма филиаллари ёки ташкилотлари барча ҳуқуқларидан, имтиёзларидан ва даҳлсизлигидан маҳрум этилади. Мазкур қонун проекти қабул қилинганидан кейин 30 кун ўтгач Коммунистик партия сафида қолган ҳарбир кишига 10 минг доллар штраф солиниши ва у 10 йил муддат блан қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

## Футбол бўйича халқаро ўртоқлик мусобақалари

**Динамо (Москва) — Рапид (Австрия)**

ВЕНА, 21 июль. (ТАСС). Кеча Венада «Динамо» (Москва) командаси блан Австрия чемпиони — «Рапид» клуби командаси ўртасида футбол бўйича халқаро ўртоқлиқ учрашуви бўлди. Мусобақада 1:0 ҳисоби блан Австрия футболчилари галаба қилдилар.

## СССР ОЛИЙ СУДИДА

СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегияси 1954 йил 2—7 июльда РСФСР Жиноят Кодексининг 58—7-нчи моддаси да кўрсатилган жиноятни қилишда айбланган **М. Д. Рюмининг** ишини суд мажлисида кўрди.

Суд терговида шу нарса аниқландики, Рюмин собиқ Давлат хавфсизлиги министрлигида дастлаб старший терговчи, сўнгра жуда муҳим ишлар бўйича тергов қисмининг бошлиғи бўлиб ишлаганида совет давлатининг яширин душмани сифатида ҳаракат қилган ва карьеристлик ҳамда авантюристлик мақсадларини кўзлаб тергов материалларини сохталаштириш йўлига ўтган, ана шу материаллар асосида провакацион ишлар вужудга келтирилган ва бирқанча совет кишилари, шу жумладан, кўзга кўринган медицина арбоблари асоссиз суратда қамоққа олинган эди.

Гувоҳларнинг судда айтган гапларига қараганда, Рюмин совет қонунида тақиқланган тергов усулларини қўлланиб, қамоққа олинганларни ўзларини ва бошқа шахсларни давлатга қарши жуда оғир жиноятларни, чунончи Ватанга хиёнат, зараркунандалик, жосуслик ва шу сингари ишларни қилган кишилар деб кўрсатишга мажбур этган.

Кейинги терговда аниқланишича, ана шу кишиларга ўйилган айблар тамомила асоссиз бўлган ва сохта ишлар бўйича жавобгарликка тортилган кишилар тамомила оқланган.

Рюминнинг зараркунандачилик ишлари ғоят хавфли эканлигини ва у қилган жиноятларнинг оқибатлари жуда оғир эканлигини э'тиборга олиб, СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегияси Рюминни олий жазога — отишга ҳукм қилди.

Ҳукм ижро этилди.

## Тошкентда



☆ ☆

**Совет Иттифоқининг қардош республикалари ўртасидаги илмий алоқалар йилдан-йилга ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг ўнлаб студентлари ҳар йили қардош республикаларда ишлабчиқариш практикаларидан ўтадилар.**

**Бу йил САГУ студентлари Москва Давлат университетида, илмий муассасаларда, Олтой ўлкаси, Новороссийск, Олмаота, Мичуринск, Ленинград ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидаги корхоналарда ишлабчиқариш практикасини ўтадилар.**

**Ўзбекистонга ҳам мамлакатимиздаги кўпгина олий ўқув юртларидан студентлар практикага келиб турадилар. Ҳозир Горький Давлат университетининг студентлари САГУда практикадан ўтмоқдалар.**

**Суратда:** Горький Давлат университети биология факультетининг 3-нчи курс студентлари **Т. Руссина** ва **Н. Хлебниковалар** профессор **А. Тўлаганов** раҳбарлигида САГУнинг умуртқасизлар зоологияси кафедрасида амалий машғулот ўтказмоқдалар.

**М. Розенкранц** фотоси.

## МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ

«Таштекстильмаш» заводининг юзларча механткашлари бу йил ўз отпускаларини курортларда, дам олиш уйларида ва санаторийларда ўтказадилар. Завод касаба союз комитетининг арзон ва текин путевкалари блан машинасозлардан 360 киши дам олади ва ўз соғлиғини тузатади.

Ишчилар ва инженер-техник ходимлар кўпдан Кавказ ва Қримдаги касаба союз шифохоналарига бориб келдилар. Термик цехининг ишчиси И. Марсов Кисловодскда дам олиб, яқинда заводга қайтиб келди.

Ишчи ва хизматчиларнинг болалари учун ёзги соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилишга жуда кўп маблағ ажратилди. Заводнинг Тошкент атрофида жойлашган пионерлар лагерида ўқув йили бошлангунча 700 дан кўпроқ пионер ва мактаб ўқучилари дам оладилар.

## ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ ҚУРИЛИШИ

Тошкент область маҳаллий ва ёқилғи саноати бўлими бинокорлик материаллари корхоналари шохобчаларини кенгайтирмоқда. Чиноз районида ғишт заводи ишга туширилди. Дастлабки пишиқ ғишт ишлаб чиқарилди. Пискент районида йилига 2 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган ғишт заводи қурилиб бўлди. Ўртачирчиқ районида ҳам худди шундай корхона қурилиб битаётир.

Бу йил областда 7 та ғишт заводи қурилади. Бу заводлар 7 миллион дона ғишт тайёрлаб беради. Корхоналарнинг маҳсулоти асосан колхоз ва МТС лардаги ишлабчиқариш бинолари ва маданий-маиший муассасаларни қуриш учун сарфланади. (ЎзТАГ).

## ЯНГИ НОН ДЎКОНЛАРИ

Шаҳар савдо ташкилоти аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун кўплаб янги нон дўконлари очишга э'тибор бермоқда.

Яқинда Сталин номли тўқимачилик комбинати. Тошкент шаҳар вокзали ва Октябрь район бозорида янги нон дўконлари очилди. Дўконларга ҳар куни турли хилда кўплаб нон маҳсулотлари келтирилиб турипти.

**М. ҲАКИМОВ.**

## ЮЗКАТАКЛИ ШАШКА БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

Ўнинчи турда спорт мастери Сретенский Ханелис устидан галаба қозонди. Мастерликка кандидат Берштейн Черкасский блан бўлган ўйинда аввал битта шашкани, кейин бутун партияни ютиб олди. Бу галабаси блан Берштейн Гуляевга етиб олди. Гуляев—Александров ўйини дуранг бўлди. Канишчикер Шокировга, Круглов Ёқубовга ютқазди. Полоусов зўр муваффақият блан ўйнайбошлади, у, Газриленко устидан галаба қозонди. Назаров—Ютландовларнинг мураккаб комбинацияли ўйини Назаровнинг галабаси блан тамом бўлди. Косяковский Кабаковни ютди.

Ўнбиринчи турда мастерликка кандидат Берштейн қаторасига бешта галабага эга бўлди, у, Александровни ютди. Сретенский Гавриленко устидан галаба қозонди. Ютландов Черкасскийдан, Круглов Шокировдан енгилиб, мағлубиятга учради. Канишчикер Ханелисни ютди. Гуляев Полоусовнинг кучли қаршилигини енголмади, ўйин дуранг бўлди. Шунингдек, Косяковский—Назаров ва Ёқубов—Кабаков ўйинлари ҳам дуранг бўлди.

Ўнбиринчи турдан кейин 9,5 очкога эга бўлган Сретенский, 8 очкога эга бўлган Берштейн, 7,5 очкога эга бўлган Гуляевлар олдинда бормоқдалар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 24/VII да **Қутлуғ қон**, 25/VII да **Юрак сирлари**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VII да **Офтобхон**, 25/VII да **Муқимий**.

**ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:**

НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да), «ИСКРА» (эрталаб соат 11-40 минутдан кеч 9 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз)— **Бахт шундай келади.**

«ИСКРА» — эрталаб соат 9-40 минутдан соат 11 гача **Максимка.**

«РОДИНА» — кеч соат 6 гача **Чегарада**, кеч соат 6 дан **Тош гул.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кечқурун **Полк қизи.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз **Александр Невский**, кечқурун **Рус балет усталари.**

НАВОИЙ номли — кундуз **Ёш гвардия** (2-нчи серия), кеч соат 6 ва 8 да **Спорт шарафи.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 8 гача **Александр Невский.**

**ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:**

«УДАРНИК», «ИСКРА» — **Бахт шундай келади.**

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Волочаевка кунлари.**

«ОКТЯБРЬ» — **Узоқдаги ёр.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Бой ила хизматчи.**

ПУШКИН номли — **Етуклик аттестати.**

ТЕЛЬМАН номли, «ХИВА» — **Александр Невский.**

«ВАТАН» — **Чегарада.**

НАВОИЙ номли — **Маскарад.**

**ТОШКЕНТ КАР-СОҚОВЛАР ЎҚУВ-ИШЛАБЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ**

**кар-соқовлар ва кар бўлганлар жуъласидан**

1954/55 ўқув йилида

1) **тикучилик**, 2) **металл ишлаш**, 3) **трикотаж**, 4) **дурадгорлик ихтисосларига**

**Ўқучилар қабул қилади**

Аризалар 25 августгача қабул қилинади. Шартлари тўғрисида мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Сталин район, Самарқанд дарвоза кўча, Шодлик тупик, 5-нчи уй.

**«САНТЕХМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИГА**

Тошкент шаҳрида ишлаш учун: **материал бўлимининг старший бухгалтери, расчёт бўлимининг старший бухгалтери, расчёт бўлимининг технический бухгалтери**

**КЕРАК**

Тошкент шаҳар, Радиальний проезд, 12-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (10-нчи трамвайнинг «Рабочий городок» остановкаси).

Вилоят кўча, Билдириш проезд, 21-нчи уйда туручи **Малик Ҳамидовнинг** Сағбон кўча, Маҳола проезд, 14-нчи уйда туручи Зуҳра Нуруллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 00561. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1399.